

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУХОЛИҚ ФИЖДУВОНИЙ ВА ТАСАВВУФ

Илмий конференция маърузалари тезислари

ТОШКЕНТ – 2003

63.3(59)4

Масъул муҳаррир:

ЎзР ФА академиги М.М. ХАЙРУЛЛАЕВ

Муҳаррир: С. Зокирова

© Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, 2003 й.

2004	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Mi
A3666	

КИРИШ

Марказий Осиё IX-XII асрларда маданий юксалиш – Уйғониш даврини ўз бошидан кечирди ва бутун мусулмон Шаркида, жаҳонда янги маданий қадриятларни яратиш жиҳатдан катта ютуқларга эришди. Бу оламшумул жараённинг энг муҳим томонларидан бири – дунёвий ва диний илмлар баробар ривож топди, маънавий жиҳатдан бир-бирини тўлдирди ва бойитди. Математика, астрономия, кимё, табобат, доришunosлик, тарих, тилшunosлик, фалсафа каби фанлар билан бир қаторда калом, фикх, тафсир каби диний-илоҳий илмлар ҳам ривож топди. Бу даврда Ўрта Осиёда тасаввуф ҳам шаклланди ва тез тараққий этди.

Тасаввуф ҳам диний илм, ҳам эътиқод сифатида янги йўналишларни вужудга келтирди. Хожাগон-нақшбандия, яссавия, кубравия тариқатлари Ўрта Осиёда шаклланиб, бошқа мусулмон ўлкаларига ҳам тарқалди, ривожланди.

Хожাগон-нақшбандия тариқати тасаввуфнинг энг ҳаётга яқин, дунёвийликни ўзида сингдирган, инсоннинг жамоа бўлиб яшashi, меҳнат жараёни учун зарурий бўлган реал ҳислатларни ифодалашга интилган йўналишларидандир. Шу йўналиш – тариқатнинг шаклланиши ва Марказий Осиёда танилиши Абдухолик Ғиждувоний (1103-1179) таълимоти билан боғлиқдир. Сўнг бу йўналиш нақшбандия деб аталиб (Баҳоуддин Нақшбанд номи билан боғланади – XIV аср), Ўрта Осиёдан ташқари бошқа қатор ўлкаларга ҳам тарқалди. Бугунги кунда хожাগон-нақшбандия тариқатининг асосчиси Абдухолик Ғиждувонийнинг фалсафий-илоҳий меросини ўрганиш жуда катта аҳамиятга эга. Чунки унда илм-маърифат, олий ахлоқ, маънавий юксалишга интилиш гоъялари теран ифодаланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Абдухолик Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори унинг меросини ҳар томонлама ўрганишга қаратилгандир. Такдим этилаётган ушбу тезислар ҳам Абдухолик Ғиждувонийдек тариқат асосчиси ва аллома фаолияти ҳамда меросини тадқиқ этишда муҳим қадамлардан бири бўлади, деган умиддамиз.

IX-XII АСРЛАРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА МАДАНИЙ ЮКСАЛИШ: ДУНЁВИЙ ВА ДИНИЙ ИЛМЛАР

I. IX-XII асрлар Марказий Осие тарихида ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган катта ўзгаришлар даври – илк уйғониш даври бўлиб, сўнги ривожланишда ўчмас из қолдирди. Янги дин – исломга асосланган араб халифалиги томонидан Ўрта Осие босиб олинди, ислом аста-секин ҳукмрон мафкурага айланиб, маънавиятга катта таъсир кўрсата бошлади. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари билан иқтисодий-маданий алоқалар кучая борди. Марказий Осиеда IX аср ўрталаридан бошлаб мустақиллик учун кураш кучайди, халифаликдан озод бўлиб, мустақил давлатлар вужудга кела бошлади. Сомонийлар, Хоразмшоҳлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжукийлар давлати вужудга келиб, маълум давр ҳукм сурди.

II. Янги маданий кадриятлар шакллана бошлади, араб, форс, туркий тиллардан, янги ёзувдан кенг фойдаланила бошланди. Хива, Шош, Бухоро, Самарқанд, Термиз каби шаҳарлар, маданий марказлар ривож топди. Илм-фан тараққий этди. Юнон, ҳинд илмий мероси, қадимги асарларнинг арабча таржималари кенг тарқалди. Бағдоддаги илмий марказ (IX аср) муҳим аҳамиятга эга бўлди. Марказий Осиеда IX-XII асрларда Хоразмда, Урганчда, Бухорода (X аср). Самарқандда (XII аср) илмий марказлар вужудга келди.

III. Ислом ҳам маданий ривожланиш таъсирида назарий ва амалий жиҳатдан мустақамлана борди. Араб халифалигининг парчаланиши, кенг ҳудудда турли маънавий анъаналарнинг таъсири натижасида ислом ичида турли оқимлар ҳам вужудга келаборди. Қадимдан маълум дунёвий илмлар билан бир қаторда янги диний-ислом илмлари шаклланди. Бу даврда кенг ўрганилган қадимги юнон илмий-фалсафий мероси, юнон мутафаккирлари Платон (Афлотун), Сократ (Сукрот), Гален (Жолинус), Аристотель (Арасту) кабиларнинг асарлари ислом ва шаклланиб келаётган ислом илмларига ҳам таъсир кўрсатмай қолмас эди. Дунёвий илм вакиллари диний илмлардан хабардор бўлганидек, диний илмларнинг йирик вакиллари ҳам дунёвий илмлар, қадимги юнон илмий меросидан озми-кўпми хабардор бўлганлиги шубҳасиздир. Чунки бу илмлар ушбу даврда юксалаётган ягона уйғониш маданиятининг ўзаро боғлиқ ажралмас томонларини ташкил этар эди.

IX-X асрларда илмлар таснифига бағишланган асарларда (Форобий, Абу Аббос Хоразмий в.б.) илмлар иккига – қадимий-дунёвий ва янги ислом илмларига бўлиниб талқин этила бошланди. Қадимий-дунёвий илмлар юнонлардан ўтган дунёвий илмлар фалсафа, аниқ, табиий, гуманитар илмлардан иборат бўлиб, янги ислом илмлари сифатида исломнинг назарий масалалари, манбалари, ҳуқуқий томонлари қабилар талқин этилар эди. Дунёвий илмлар соҳасида Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Журжоний, Чағминий каби олимлар машҳур бўлдилар.

IV. Диний илмлар ҳам дунёвий илмлар билан ёнма-ён ривож топди. Калом, ҳадис, фикҳ, тафсир, тасаввуф уларнинг асосийларидир. Бу соҳада ҳам Марказий Осиё Бухорий, Термизий, Мотуридий, Марғиноний, Замаҳшарий каби машҳур алломаларни олға сурди, улар ўз юртини машҳур этдилар. Тасаввуф ҳам ривож топди. Ғиждувоний, Яссавий, Кубролар машҳур мутасаввифлардандир.

Дунёвий илмлар ҳам, диний илмлар ҳам бу давр маънавияти – Уйғониш даври маданиятининг узвий қисмини ташкил этиб, Уйғониш ғоялари – инсонпарварлик, инсоннинг илм-маърифат, ҳақиқат, маънавий, ахлоқий камолотга, фозил жамоага интилишдек масалаларни ўрганишга хизмат қилди. Бу даврда Марказий Осиёда вужудга келган тасаввуфий оқимлар, уларнинг машҳур вакиллари таълимотлари, ғояларини уйғониш даври маънавиятининг умумий мазмуни ва асосий мақсадларини назарга олган ҳолда баҳоламоқ даркордир.

Абдуҳолик Ғиждувоний шундай оқим-таълимотларнинг энг йириги бўлмиш хожагон-нақшбандия оқимининг илк асосчиларидандир.

О. Усмонов (Тошкент)

АБДУХОЛИК ҒИЖДУВОНИЙ ВА ХОЖАГОН ТАРИҚАТИ

1. Маънавият ва маданият тарихимиздаги улкан, бир бутун, оламшумул тасаввуфий тариқат ҳисобланган хожагон (нақшбандия) тариқатини икки қисмга (Нақшбандгача ва Нақшбанддан кейинги даврларга) бўлиб ўрганиб бўлмайди. «Нақшбандия»ни «Хожагон»дан кейин унинг тадрижий давоми, деб қараш лозим бўлади. Мазкур тариқат Шайх Юсуф Ҳамадоний давридан бошланган, Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний даврида шаклланиб ташкил

топган ва Шох Нақшбанд даврида ривожлантирилиб, кейинги асрларда бутун Ислом дунёсида кенг тарқатилган, хожагон (нақшбандия) номи остида машҳур бўлган жаҳоншумул тариқатдир.

2. Хожагон тариқатининг маънавий тарихидаги ўрни ҳақида гапирганда мазкур тариқат ва таълимотнинг бағоят улкан ижтимоий аҳамияти тўғрисида сўз юритишни лозим топамиз. Мазкур тариқат Хожаи Жаҳон (Абдухолик Гиждувоний), унинг шогирдлари Ревгарий (Моҳитобон), Ромитаний (Азизон), Бабои Самосий, Шох Нақшбандлар томонларидан шакллланган ва ривожлантирилган эди. Айниқса, Нақшбанддан кейинги учинчи бўғиндаги улуғ машойих Хожа Аҳрор Валий даврида (XV асрда) ушбу тариқат ва таълимот ўзининг авжи баланд нуқтасига кўтарилди.

3. Хожаи Жаҳон томонидан айtilган «Халқ оғирини енгиллатиш лозим, бу муяссар бўлмаганда ҳалол касб-ҳунар эгаллаб, даст ба қор ва дил ба ёр ҳолатида бўлмоқлик амри муқаррар турар» жумласида ёки ҳазрати Гиждувоний қаламларига мансуб «Хилват эшигини очиш, шайхлик эшигини ёпиб, ёр-улфат эшигини очиш» тўғрисидаги машҳур шоҳ байтида мазкур тариқатнинг асл моҳиятини кўрамыз. Хожа Ориф Ревгарий (Моҳитобон), Хожа Али Ромитаний (Азизон)ларнинг бир қатор рашҳаларида (доно панд-насиҳатларида) хожагон тариқатининг юксак ижтимоий аҳамиятининг ифодаларига дуч келамиз. Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг фаолиятларида, қимматбаҳо ва доно ҳикматларида «тарихимиз асоси суҳбатдир, суҳбатда хайру баракот ва шуҳратда офат» деган қалималарида мазкур тариқатнинг улуғ ижтимоий аҳамиятини мушоҳада қиламыз. XIX асрга келиб, Шарқдаги муслмон мамлакатларида Ғарб мустамлакачилигига қарши, зулм ва истибдодга қарши авж олиб кетган шиддатли миллий-озодлик ҳаракатларида нақшбандийлик байроғининг баланд кўтарилганлигининг сабаблари ҳам ана шундадир.

4. XV асрга келиб нақшбандийлик тариқати ва таълимоти Хожа Аҳрор Валий фаолиятида ўзининг энг олий нуқтасига кўтарилганлигидан огоҳ бўламиз. «Халқ ғамида ёниб-қуймаган юрак оддий мол қалбидан қандай фарқ қилиши мумкин? Ундай қалбни кесиб олиб итларга ташламоқ даркор» дея ўта жиддий халқона фикр айтган Хожа Аҳрор маънавий ривожланишга катта таъсир кўрсатди.

5. Хожагон (нақшбандия) тариқати ва таълимотининг маънавий тарихидаги ўрни ҳамда мазкур таълимотнинг юксак ижтимоий аҳамиятлари тўғрисида гапирар эканмиз, мазкур таълимот-

нинг асоси бўлмиш илохийлик ва дунёвийлик жиҳатлари ҳақида, бу иккила муҳим жиҳатнинг бирлиги ва ажралмаслиги тўғрисида алоҳида эслатиб ўтгимиз келади. Шунинг учун ҳам мазкур тариқат ва таълимот ҳар томонлама чуқур ўрганишга, таъвиқ ва тарғиб қилишга арийди, деб ўйлаймиз.

Иброҳим Ҳаққул (Тошкент)

ТАРИҚАТ ВА МАЪРИФАТ ДАРҒАСИ

1. Шўро тузуми даврида юртимиз ва халқимизнинг ўтмиш тарихи тўғри ўрганилмагани ва ҳаққоний ёритилмаганлиги учун олис ўтмишда кечган маданий-маънавий ҳаётнинг барча жиҳатларини ҳолис англаш ва баҳолаш имкони бўлмаган, албатта. Тасаввуф худди шундай жиҳатлардандир. Абдуҳолиқ Гиждувоний, Аҳмад Яссавий, Нажиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк аждодларимиз асос солган ирфон йўли, яъни тариқатларга эса биз таҳқир ва шубҳа кўзи билан қарашимиз мумкин эмас эди. Шунинг учун анча узоқ муддат мобайнида тасаввуф бир хурофот ва шаккоклик йўли дея талқин қилинганлигига қарамай, мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ тасаввуфни ўрганиш учун эрк ва имкон берилди. Бу соҳада анча-мунча ишлар ҳам қилинди. Аммо шуни ҳам билишимиз ва эътироф этишимиз лозимки, тасаввуф ва тариқатлар тарихини чуқур тадқиқ қилиб зарур ҳулосалар чиқаришда ҳанузгача қаноатланарли натижаларга эриша олганимизча йўқ.

Тасаввуф, баъзи бир кишилар ўйлагандек, маъно-моҳияти мавҳум ва қандайдир мураккаб бир таълимот эмас. Қуруқ зуҳд ва тақводан йироқ бўлган тасаввуф ишқ ва маърифат, вафо ва садоқат, фазилат ва қамолот йўли. Мана шу ҳақиқатлардан узоқлашганда ҳеч шак-шубҳа йўқки, тасаввуф ўзининг ҳаётий ва маърифий куч-қувватини бой беради. Буни эсдан чиқармаслик керак. Тасаввуф таълимотидан сиёсий мақсад ва ғаразлар учун фойдаланиш фақат ўтмиш ҳодисаси эмас, бундай уринишлар, афсуски, бугун ҳам учраб турибди. Минг-минглаб кишиларнинг фикр ва иродасини биргина сохта шайхга таслим айлаб, шахс эрки ва тафаккур озодлигига тамоман қарши бўлган сўфийликнинг бизга кераги йўқ. Зеро, Абдуҳолиқ Гиждувонийнинг муборақ номлари ва шахсий амаллари билан шаклланган хожагон тариқатининг асосини ҳам нафсни тарбиялаш, гўзал ахлоқ соҳиби

бўлиш, кўнгилни ҳақ ва ҳақиқатга ошно этиш, илм ва маърифатга эришиш ташкил қилади.

II. Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувонийнинг орифона ўғит ва сабоқлари асло эскирмайди ва унутилмайди. Оддий одамларнинг дарду ташвишларини назарга илмай, узлатда – халқдан ажралиб яшаш, сўфийлик хирқасига бино қўйиб, тахминий ёки ҳаслий иддаоларга берилиш, билим ва савияси паст кишиларнинг кўзига каромат соҳиби бўлиб кўриниш кабиларни Ғиждувоний ҳазратлари комиллик эътиқодига қарши ақида деб билганлар. Бу улуғ ва беназир зот теран ақл, ҳалол меҳнат билан ўтказиладиган содда, табиий ва хотиржам ҳаёт тарзини ниҳоятда қадрлаганларки, бунга ишонч ҳосил қилмоқ учун Ғиждувонийнинг рисолаларини, хусусан, «Васиятнома», «Мақомоти Юсуф Ҳамадоний» номли асарларини мутолаа этиш кифоя. Хожаи Жаҳоннинг кўп насихатлари, жумладан, кунт билан илм ўрганиш, жоҳид ва ақидалараст сўфийлардан йироқ юриш, ҳеч кимдан ҳеч нима тамаъ қилмаслик, ҳар қандай вазиятда ҳам халққа ёрдам кўлини чўзишга чорлашлари ўзининг қиммат ва аҳамиятини ҳеч вақт йўқотмайди. Шунинг учун ниҳоятда камтарин, ҳақгўй ва маърифат сардорларидан бўлган бу буюк пирнинг ҳикматли сўз ва фикрларини халқимизнинг илғор вакиллари жамлаб, китоб қилишган, фазилат ва комиллигидан баҳс этувчи маноқиблар яратишган.

III. Устози Юсуф Ҳамадоний билан учрашиб, унинг диний-ирфоний суҳбатларидан баҳра ола бошлаганида Ғиждувоний ҳали йигирма бешга ҳам тўлмаган йигит бўлган. Лекин Бухорода таҳсил олган йилларидаёқ, у ҳақ ва ҳақиқатга содиқлиги, орифлик салоҳиятининг юксаклиги билан шуҳрат топган эди. Абдуҳолиқ Ғиждувоний пирлик мақомини эгаллар экан, Бухорои шариф диний илмлар билан бир қаторда тасаввуф илмининг ҳам Шарқдаги энг нуфузли марказларидан бири мавқеига эришганди. Унинг илк муридлари ва содиқ издонлари Хожа Ориф Ревгарий, Хожа Авлиё Кабир, Хожа Аҳмад Сиддиқ сингари авлиёларимизнинг камолот ва шон-шуҳратларини Ғиждувонийнинг таълим-тарбиясиз тасаввурга ҳам келтириб бўлмайди. Тахминан икки аср кейин Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари айнан Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний фикр-қарашларини ўзларининг тарихатига асос қилиб олганликлари ҳам тасодиқий эмас, албатта. Кўп улуғ олим, ориф, мутафаккир ва мутасаввифларнинг Абдуҳолиқ Ғиждувоний ҳақида таъриф-этироф сўзлари мусулмон оламида унинг зўр нуфуз қозонганлигининг ўзига хос тарихий тас-

диғи эрур. Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби санъаткорлар томонидан битилган фикр-мулоҳазалар эса, донишманд бобомизнинг нурли сиймоларини яна ҳам аниқроқ жонлантиради.

Маърифат, ҳақиқат, адолат ва инсонпарварлик истиқболи учун умрини бахшида этган комил инсонлар ҳеч вақт ўлмайдилар ва унутилмайдилар. Муқаддас Бухоро заминида туғилиб, камол топган ва илму маърифат, ишқу тариқат оламида сўлмас бўстон ярати олган Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний худди шундай пиру комиллардандир.

Х. Алиқулов (Тошкент)

АБДУХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙНИНГ ТАСАВВУФИЙ ТАЪЛИМОТИДА ИНСОНПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИ

Инсонпарварлик ғоялари кишилараро муносабатларда қадимдан мавжуд. Яқин-яқин вақтларгача гуманизм Европо ренессанси билан боғлиқ ҳолда қаралар эди. Уйғониш даври Европо мамлакатларида, хусусан, Италияда XIV-XVI асрларда пайдо бўлган. Унинг йирик вакиллари Жованни Бокаччо, Галилео Галилей, Жордано Бруно, Рафаэл, Макиавелли ва бошқалардир. Улар қомусий илм эгалари бўлиб, инсон шахсини улугладилар, асарларида инсонни энг олий кадрият сифатида талқин қилдилар. Лекин гуманистик ғоялар, инсонпарварлик фақат Европо уйғониш даврига хос экан, деган фикр ҳақиқатга асло тўғри келмайди. Унинг тарихи узоқ даврларга бориб тақалади.

Инсонпарварлик деганда, одатда, инсонга муҳаббат, одамийлик, инсоний кадриятларга ҳурмат, бахт-саодат, адолат, эркинликка интилиш, маънавий-ахлоқий фазилатларни эгаллаш, ватанни, ўзи туғилиб ўсган жойини севиш тушунилади. У янги инсоний муносабатлар учун кураш, инсон шахсини юксакликка кўтариш, унга эътибор бериш ва ҳоказоларни англатади. Инсонпарварлик ғоялари, айниқса Шарқ ренессанси деб аталмиш ўрта асрда кучли бўлган. IX-XV асрларда Ўрта Осиёда жаҳонга машҳур мутафаккирлар Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Улуғбек, Навоий, Жомий ва бошқаларнинг илмий ва бадий меросида инсон ва инсонпарварлик масалалари муҳим ўринни эгаллайди. Булардан ташқари, ислом дини ва унга асосланган Қуръони Карим ва ҳадисларда, тасаввуф таълимотида маънавий-ахлоқий фикрлар, умуминсоний кадриятлар ва инсонпарварлик ғоялари кенг ўрин олган.

Тасаввуф таълимотининг йирик вакили, хожагон тариқатининг асосчиси Абдухолиқ Гиждувоний ўз асарларида маънавий-ахлоқий ва инсонларварлик ғоялари ҳақида фикр юритган. У асос солган қонун-қоидалари, хулқ-одоб қоидалари XIV-XV асрларда нақшбандийлик таълимоти учун ҳам асосий қоидаларга айланди. Абдухолиқ Гиждувоний, Али Сафийнинг «Рашаҳоти айн ул-ҳаёт» рисоласида айтилишича, илк бор «Дил ба ёру даст ба қор», яъни дилинг Аллоҳда, кўлинг ишда бўлсин, деган пурҳикмат шиорни ўртага ташлаган эди. Бу шиор солиқ қалбида доимо Аллоҳни ёд этгани ҳолда, бу дунё ишлари билан машғул бўлиш, тинмай меҳнат қилиш, риёзат чекиб, ҳалол йўл билан кун кечириш лозимлигини билдиради. Гиждувоний «Одоби тариқат», «Васиятнома», «Мақсад ас-солиқин» каби рисоаларида инсоннинг бу дунёдаги вазифаси ҳақида сўз юритар экан, унинг мақсади охирагда Аллоҳ васлига етишиш учун тайёргарлик бўлиши керак, деган фикрни билдиради. Бунинг учун инсон яхши хислатларни эгаллаши, касб-ҳунар билан машғул бўлиши, бевабечора ва муҳтожларга ёрдам бериши, заиф ва ногиронларга меҳр-шафқатли, саховатли ва қўли очик бўлиши зарур.

Абдухолиқ Гиждувоний солиқларни ўз нафсини тийишга, меъёрга амал қилишга, кам ухлашга, керагидан ортиқ гапирмасликка чақирди. «Ейиш ва ичишни камайтир, кам ухла, кам гапир. Ейишга эҳтиёж ҳис этмагунча, ема, сабаб ва зарурат бўлмагунча, сўз сўзлама. Уйқу ғалаба қилмагунча, ухлама!» – деб таъкидлайди мутасаввиф «Васиятнома»да.

Абдухолиқ Гиждувонийнинг эътиборга сазовор фикрларидан яна бири шуки, ул зотнинг ёмон одамларга нисбатан ҳам яхшилик қилишга, меҳр-шафқати ва сахийлигини улардан аямасликка чақиришдир. Унинг фикрига кўра, агар бирон киши бошқа одамнинг кўнглини оғритган ёки унга озор берган, зарар етказган бўлса, зинҳор ундан қасд олиш фикрида бўлмаслик керак. Аксинча, инсон ўзгаларга озор бермасдан, иложи борича хайрли ишлар билан машғул бўлгани маъқул. Гиждувоний бу дунёда фурсатни бой бермасликка, кишиларни ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишга даъват этди, жамиятга фойда келтирадиган ишлар билан шуғулланиш лозимлигини таъкидлади.

Хуллас, Гиждувонийнинг тасаввуфий қарашларидаги маънавий-ахлоқий фикрлар ва инсонларварлик ғоялари, бизнинг назаримизча, фуқаролик жамиятини шакллантиришда, ёш авлодни тарбиялашда, миллий истиқлол ғоясини халққа синдиришда фойдаси тегиши шубҳасиздир.

ХОЖАГОН ТАРИҚАТИДА КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ

Хожагон – Хожаи Жаҳон номи билан машҳур бўлган, Бухорои шарифни дунёга танитган етти пирнинг биринчиси Абдухолиқ Ғиждувоний (1103-1179) томонидан асосланган Ўрта Осиёдаги ilk мумтоз тасаввуфий тариқатлардан биридир. Хожа Ориф Ревгарий (Моҳитобон) томонидан «Тариқат аҳлининг раиси, зоти бобаракот»¹ сифатида таърифланган Абдухолиқ Ғиждувоний ҳаққа восил бўлиш, руҳни камол топтириш ва комил инсон даражасига юксалишнинг ўзига хос йўлини кашф этди. Хожагон тариқати Абдухолиқ Ғиждувоний кўрсатган камолот йўлидир. Шунинг учун Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийлар: «Аларнинг равиши тариқатда ҳужжатдур, барча форуқнинг мақбулидур»², – деб таърифлаганлар.

Хожагонларнинг комил инсонни тарбиялаш йўли меъёрдаги йўлдир. Чунки у шариатга асосланади. Бу йўл доимо шариат ва суннатга уйғун, бидъатдан йироқ бўлган. У ҳушёрлик йўли бўлиб, «хуш дар дам» рашҳасига асосланади. У фанодан бақо ҳолатигача инсонни камолотга етаклаш йўлларини кўрсатади.

Хожагонлар тариқати шахс рухий хусусиятларини инобатга олиб, камолот йўлини белгилаган сулуқдир. Зероки, бу йўл бошида Абдухолиқ Ғиждувонийда хуфия зикр бўлса, Маҳмуд Анжир Фағнавийдан Амир Кулол давригача хуфия ва жаҳрия зикр бирга мавжуд бўлган. Амир Кулол жамоасида жаҳрия зикр бўлсада, аммо Баҳоуддин Нақшбанд хуфия зикр қилиш зарурлигини асослаган.

Хожагон тариқати солиқларни бағрикенглик руҳида тарбиялаган мактабдир. Бағрикенглик Абдухолиқ Ғиждувонийнинг самоъга бўлган муносабатларида, яъни «Инкор ҳам этмаслик, мақбул ҳам қилмаслик»да намоён бўлган. Шунингдек, бу тариқатда валийлик даражасида юксалган аёлларга тенг ҳурмат билан муносабатда бўлинган.

Хожагонлар нафс тарбиясига махсус эътибор бериб, нафс фано даражасига олиб келишини кўрсатганлар. Уларда бандалик

¹ Хожа Муҳаммад Ориф ар-Ревгарий. Орифнома. қўлёзма. Шахсий кутубхонада сақланади. В-12 а.

² Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Т.А.Т. 17-том. – Т.: 2001. – Б. 253.

энг олий даража сифатида қаралган. Банда ихтиёри тула равишда илоҳий ихтиёр билан уйғун бўлган. Ҳақ ризолигига эришиш асосий мақсад ҳисобланган.

Ҳожагонлар инсонга барча жисмоний, ақлий, нафсоний, руҳий қувватларни бошқара олиш, ўз-ўзини англаш ва ўзининг микрооламида макрооламни – илоҳийликни жойлаштиришнинг энг афзал йўлларини топганлар. Қалбда илоҳий файзни тўплаш, инсондаги мавжуд заҳираларни очиш ва уларни борликни гўзаллаштириш каби эзгу ишларга сафарбар этиш учун «Назар бар қадам» рашҳаси асосида кўз ва оёқ қувватини жисмонан ва маънан тўғри йўналтира олганлар.

Ҳожагонлар тариқатида бошқа тариқатлардан фарқли жисмоний сайру сафар қилиш маънан, руҳан сафарга айлантирилган. «Сафар дар ватан» рашҳаси орқали инсон ўзида бугун макрооламни ҳис этиб, ўзидаги тубан, ёмон ахлоқларни йўқотиб, гўзал илоҳий ахлоқ соҳибига айланиши зарурлиги уқтирилган.

Тариқатлардаги инсон камолоти учун зарур бўлган узлат, чилла, танҳо, хилватни ҳожагонлар анжуманда ўтказиш йўлини ихтиро этиб, «хилват дар анжуман» рашҳаси асосида зоҳиран халқ ва ботинан ҳақ билан бўлиб, хос тариқат аҳли билан суҳбат йўли ила руҳларини озиқлантириб, камол топиш мумкинлигини кўрсатдилар. Натижада ҳожагон йўли дунёвий ва диний бахтсаодат йўли, дунё ва охираат учун ҳам зарурий йўлга айланди.

Ҳожагон тариқати инсондаги хотирани тасниф этиб, уни шайтоний, нафсоний даражадан поклаб, малаккий ва охирида раҳмоний даражасига юксалиш йўлларини ихтиро этиб, «ёдкард», «ёддошт» рашҳалари натижасида бунга эришиш мумкинлигини кўрсатди. Вақт қадриятига махсус эътибор берилб орқали солиқларга вақтни ўз тасарруфига олиш, вақт ўғлидан вақт отаси даражасига юксалиш йўлини «Хуш дар дам» рашҳаси орқали кўрсатиб, ҳар он нафасни асраш каби руҳий машқлар билан вақт устидан ғолиб бўлиш йўлларини ихтиро этди.

Ҳожагон тариқати инсонни бутун мавжудотга нур сочувчи, зиё таратувчи манзили маконга айлантира олди. Абдуҳолик Ғиждувоний ўнта нур таълимоти орқали инсон қалбида ўнта нурни мужассам этиш мумкинлигини кўрсатди. Комил инсон қалбида иймон, ислом, тавҳид, маърифат, ҳидоят, ёдкард, бозгашт, нигоҳдошт, ёддошт, шайх нурлари тажаллий этган бўлиб, бундай инсон бутун мавжудотга илоҳий ишқ ила мушоҳада, назар, муносабат қила оладиган бўлади.

Хожагон тариқати рухий камолотга эришишнинг мақомлари тавба, иродат, зикр, зуҳд, сабр, ризо, шукр, таваккул ва ҳоллари мувоқабат, мусоҳабат, муҳаббат, сидқ, таслим, тавфиз, ихлос, мушоҳада, муоина бўлиб, шулар орқали комил инсон даражасига етиш мумкин дея, толиби ҳақларни ҳидоят йўлига бошлаган.

Хожагон таълимоти ваҳдати вужудга асосланган таълимотдир. Шунинг учун Ромитаний – Ҳазрат Азизон айтганки: «Ер юзида Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний фарзандларидан бири бўлса эрди, Мансур (Ҳаллож) ҳаргиз дор остига бормагай эрди»¹.

Демак, Абдуҳолик Ғиждувоний асослаган, Ориф Ревгарий, Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Муҳаммад Бобои Самосий, Ҳазрат Саид Амир Кулол муршидлик қилган ва Баҳоуддин Нақшбанд асослаган нақшбандия тариқатининг асосий тамал тоши бўлган хожагон тариқати ихтиро этган комил инсонни тарбиялаш йўли ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини сақламоқда ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, баркамол инсон тарбияси жараёни учун фойдали ғоя ва амалларни мерос сифатида сақламоқда.

Н. Сафарова (Навоий)

ХОЖАГОН АХЛОҚИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ ФАЛСАФИЙ-ИРФОНИЙ АСОСЛАРИ

Тасаввуф фалсафасига кўра, инсон қарама-қарши икки асос – модда ва руҳдан иборат. Шунинг учун унда шу икки асоснинг хусусиятлари мавжуд. Агар моддийлик ғалаба қилса, инсонда ҳайвонийлик ва агар руҳ томони устун бўлса, илоҳийлик ривожланади. Руҳ жисм қулига айланиб қолмаслиги керак. Аксинча, руҳ жисм учун бир восита бўлиб хизмат қилиши керак. Руҳлари тараққий этган инсонлар ақлу заковати, ижодкорлиги, илоҳий зеҳнлари билан ажралиб турадилар.

Мутасаввифлар руҳ ва жисмдан иборат инсонни илоҳий олам билан жисм олами орасидаги чегара деб биладилар ва тонгта ўхшатадилар. Тонг тун ва кунни бир-биридан ажратувчи чегара бўлгани каби, инсон ҳам моддий олам билан илоҳий олам ўртасидаги чегарадир. Шундай экан, қандай қилиб, жисм олами илоҳий оламга, инсон жисмийликдан илоҳийликка айланади? Буни мутасаввифлар жисмнинг фоний бўлиши ва руҳнинг мут-

¹ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. – т.а.т. – 17 том. – 254-б.

лақиятга кўшилиши – васлнинг юз бериши, деб изоҳлайдилар. Уларнинг таъкидлашича, агар инсон руҳи заминий алоқалар, жисм қолипидан қутулса, куш боласи тухумини ёриб чиққандай моддий қобикни ёриб чиқса, мутлақ руҳга кўшилади.

Шу ўринда мушоҳада учун Фаридиддин Аттор бу масалани қандай ёритганлигини баён этмоқчимиз. Аттор одамни кўза, илоҳийликни дарёга қиёслайди. Кўзани сувга ботирганда, ичи сувга тўлгунча қулдураб овоз чиқаради, аммо ичига сув тўлганидан кейин у овоз чиқармай кўяди, дарёга кўшилиб кетади. Шоир бундан қуйидаги хулосани чиқарган: биз аслимиз илоҳга етгунча нола қиламиз, илоҳга етгандан сўнг эса, у билан бирлашиб кетамиз, ноламиз ҳам тугайди. Бундан ташқари, кўзанинг вужуди лойдан, инсоннинг вужуди ҳам шундай: унинг ичи сувга, яъни руҳга тўлса, лойдан асар қолмайди. Дарё ичида қалбинг ҳам дарёга айланади, қалб кўзи очилади. Хожাগон тариқати мутасаввифлари фикрича, руҳ қалбнинг илоҳий кўзгусидир. Ҳар бир инсонда руҳ мавжуд экан, бинобарин, у ўзидаги илоҳий томонини англаши, унга интилиши зарур. Ўзидаги буюк оламни тушуниши ила у ҳақни англаб етади. Шунинг учун «ўзини англаган ҳақни англайди» дейдилар. Бу ўринда шунини таъкидлаш жоизки, инсон бундай юксакликка эришиш учун ўзи ҳам унга интилиши керак. Юксалиш инсоннинг яшаш тарзи, аъмол ва қилмишларига боғлиқ бўлади. Маънавий юксалишга интилса, у юқорига томон юксалиб, илоҳий оламга етишиши мумкин.

Ҳ. Ислохий (Тошкент)

АБДУХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ ТАРИҚАТИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁГА ЁЙИЛИШИ

Тасаввуф пайдо бўлиш, шаклланиш ва такомиллашиш жараёнларига, мураккаб тарихга эга бўлган буюк таълимотдир.

Ўрта асрлар унинг энг такомиллашган даври бўлди. Бу даврда тасаввуфнинг Марказий Осиё халқлари тарихида туганган ўрни алоҳида аҳамият касб этади.

Тасаввуф таълимотида ҳар-хил тариқатлар бўлгани каби, хожাগон тариқати ҳам майдонга келган эди. Бу тариқат Абдухолик Ғиждувоний фаолияти билан узвий боғлиқдир. Хожাগон тариқатининг моҳияти тасаввуф таълимотини илмий ва амалий тадбиқлар билан, ҳаёти-турмушга боғлиқлиги билан характерлидир.

Хожагон тариқати шунчалик кенг минтақага ёйиладики, Марказий Осиё, Яқин Шарқ ҳудудларидан ўтиб, Ҳиндистон ва Шарқий Туркистонгача, ҳаттоки Жанубий Африкагача бориб етди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида хожагон тариқати, силсила ва шажаралари тўғрисида ёзилган араб, форсий ва туркий китоблар сони минг нусхадан ошади. Диққатга сазоворлиги шундан иборатки, хожагон тариқати эндигина шаклланиб кела бошлаган даврлардан бошлаб у ҳақда турли-туман рисола ва китоблар ёзилган.

О. Бўриев (Тошкент)

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДАГИ ТАСАВВУФГА ОИД МАНБАЛАРДА АБДУХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ ТАЪЛИМОТИ

Темурийлар салтанатида Марказий Осиёда илм-фан ва маданият равнақ топди ва бу ҳақда ўша даврдан етиб келган бой ёзма меросда етарлича маълумотлар сақланган. Бу ёзма манбалар мазмун жиҳатдан ҳар хил: тарихий асарлар, вақф ҳужжатлар, ёзишмалар, турли фанлар соҳаларига оид китоблар, тасаввуфга оид асарлар, бадиий асарлар ва ҳоказолардан иборат. Тасаввуфга оид ёзма манбаларнинг каттагина қисмини машҳур тасаввуф намояндалари ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўзловчи асарлар ташкил қилади. Улар маноқиблар (маънавий камолот босқичлари) ёки мақомотлар (тасаввуфда маънавий юксалиш манзиллари) шаклида ёзилган.

Темурийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда ёзилган маноқибларнинг аксарияти нақшбандия таълимотига бағишланган. Мазкур манбалар бир қанча муаллифлар томонидан ёзилган ва ҳар хил номлар билан аталган. Жумладан қуйидагилар: Салоҳ ибн Муборак “Анис ат-толибин”; Хожа Муҳаммад Порсо (ваф. 822/1419 й.). “Рисолаи қудсия”, “Мақомоти хожа Алоудин Атор”, “Таҳқиқот”, “Рисолаи маҳбубия”, “Силсилаи тариқи хожагон”, “Фасл ул-хитоб”, “Рисолаи кашфия”; Яъқуб Чархий (ваф. 851/1447 й.). “Рисолаи унсия”, “Силсилаи нақшбандия”, “Рисолаи абдолия”; Шаҳобиддин ибн бинти Амир Ҳамза. “Мақомоти Сайид Амир Кулол”; Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. “Фақарот ул-орифин”; Абдурахмон Жомий. “Рисолаи тариқаи хожагон”, “Калимоти қудсияи хожа Муҳаммад Порсо», Алишер Навоий. “Насоим

ул-муҳаббат”; Али Сафий Хусайн Воиз Кошифий. “Рашаҳот айн ул-ҳаёт” ва ҳоказо.

Мазкур асарларда тасаввуф ҳақида мулоҳазалар баён этиш ва тасаввуф шайхлари ҳаётидан лавҳалар берип билан бир қаторда, Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёти, фаолияти, тасаввуфий ўғитлари, нақшбандия тариқатининг шаклланиши, ривожланиши, моҳияти хусусида кўпроқ маълумот акс этган. Ана шу ма-ноқибларда Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёти, хожагон тариқатига муносабати ва уни ривожлантиргани, нақшбандия тариқатининг шаклланиши, нақшбандия силсиласи кабилар ҳақида сўз борганда Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний ва хожагон тариқати таълимоти ҳақида ҳам баён қилинади.

Чунончи, Салоҳ ибн Муборакнинг “Анис ат-толибин” аса-рида хожагон силсиласи ҳақида маълумот ёзилган. Хожа Муҳам-мад Порсонинг “Силсилаи тариқи хожагон” асарида хожагон та-риқатининг афзаллиги айtilган ва унинг силсиласи Муҳаммад пайғамбар, ундан Абубакр, ундан кейинги шайхлар (номлари са-наб ўтилган), то Абдуҳолик Ғиждувонийгача, сўнгра кейинги да-вомчилар, то Баҳоуддин Нақшбандгача ва ундан кейинги пирлар тўғрисида қайд этилган. Унинг “Рисолаи қудсия” асарида эса, нақшбандия тариқати силсиласи берилган. У дастлаб Баҳоуддин Нақшбанддан бошланади, Абдуҳолик Ғиждувонийгача давом эта-ди, сўнгра то Али ибн Абу Толиб ёки Абубакр Сиддикгача ва улардан Муҳаммад пайғамбаргача боради. Муаллиф буни “Силси-лат аз- заҳаб” (“Олтин силсила”) деб атаган.

Али Сафий “Рашаҳот айн ул-ҳаёт” асарида, юқоридагиларга кўшимча, хуфия зикри хусусида, унинг Абдуҳолик Ғиждувоний томонидан тавсия этганини ёзади. Сўнгра хожагон тариқатидаги қоидалар (хуш дар дам, назар бар қадам, сафар дар ватан, хилват дар анжуман, ёд қард, боз гашт, ёд дошт) ва уларга кейинчалик кўшилган яна учта қоида (вуқуфи замоний, вуқуфи ададий, вуқуфи қалбий) ҳақида таъкидлаб ўтади. Мазкур асарда яна Аб-дуҳолик Ғиждувоний таълимоти давомчилари ҳам санаб ўтилган: Аҳмад Сиддик, Хожа Авлиёи Кабир, Хожа Салмон Карминий, Хожа Ориф Ревгарий ва шу тартибда то Хожа Баҳоуддин Нақшбандгача ва ундан кейин хожагон-нақшбандия тариқати пирлари то Абдурахмон Жомийгача кўрсатилади.

А. Ўринбоев (Тошкент)

АБДУХОЛИҚ ГИЖДУВОНИЙ ТАСАВВУФИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ ВА АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ РУҚЪАЛАРИДА АКС ЭТИШИ

1. Тасаввуфнинг хожাগон-нақшбандия сулуки замирида мавжуд бўлган меҳнатсеварлик, одамийлик, адолатпешалик ғоялари XV аср иккинчи ярмига келиб Мовароуннаҳр ва Хуросонда ўзининг юксак назарий ва амалий ривожини топди. Бунда тарикатнинг раҳбари Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ва улуг мутафаккир адиб Абдурахмон Жомийларнинг ҳиссалари катта бўлди.


2. Ўз даври ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётига жиддий таъсир кўрсатган бу тарихий-маънавий жараён XV ва XVI аср бошларида ёзилган бир қанча тасаввуфий-биографик асарлар билан бир қаторда тарикат аҳлига мансуб, хусусан, унинг раҳбарлари Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, Абдурахмон Жомийлар томонидан темурийлар (Хуросон) давлатининг Хирот саройига йўлланган хатларида акс этган.

3. Биз бу ўринда Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёзмалар хазинасида сақланаётган “Мажмуайи мурасалот” ёки унинг тузувчиси номи билан “Навоий альбому”(мураккаби) деб номланиб келаётган дастхат-автограф руқъалар тўпламини назарда тутаёلمиз (қўлёзма рақами – 2178).

4. Альбом Мовароуннаҳр ва Хуросонда яшаган 16 муаллифнинг 594 донда дастхат руқъаларини ўзида жамлаган. Улардан 337 донаси Абдурахмон Жомий, 128 донаси Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор қаламига мансуб ва уларнинг имзоларига эга. Қолган хатлар Хожа Аҳрорнинг ўғиллари, куёвлари, муридлари ва, шунингдек, беш нафар Хуросон зиёлилари томонидан ёзилган.

5. Хатларнинг аксари мутафаккир адиб, буюк давлат арбоби бўлиш Алишер Навоийга, Хуросондаги темурийлар давлати ҳукмдори Султон Хусайн Бойқарога (1469-1506), қисман эса, баъзи бошқа сарой амалдорларига йўлланган. Улар дастхат ҳолида бир нусхада Хиротдаги “Китобхонайи олий”да сақланган. Уларни жамлаб, альбом шаклига келтириш Алишер Навоийнинг ташаббуси ва буйруғи билан амалга оширилганлиги ҳақида адибнинг ўзи “Насойим ул-муҳаббат”нинг Хожа Аҳрор бобида айтиб ўтган. Альбомнинг тузилиш йили эса – 1492 йил.

6. Мазмун бўйича хатларни тўрт туркумга бўлиш мумкин:



а) XV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳр ва Хуросон орасидаги сиёсий муносабатларга доир хатлар. Булар темурийлар давлатининг мазкур икки қисмида ҳукм сурган ҳукмдорлар орасидаги ҳудудий ва бошқа масалалар ҳақида;

б) диний-тасаввуфий масалаларга доир хатлар. Уларда Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг шариат қонун-қоидаларини мустаҳкамлашга, сиёсий низоларни тинчлик йўли билан ҳал этишга қаратилган насиҳатлари баён қилинган;

в) Хожа Аҳрор ва унинг муридларининг иқтисодий-ҳўжалик соҳаларидаги манфаатларини, Самарқанддан Хирот орқали ўтаётган савдогарларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга, Хуросонда ер-сув сотиб олишга кўмаклашшишга чақирувчи руқъалар;

г) Абдурахмон Жомий ва Хожа Аҳрорнинг, бошқа баъзи тариқат аҳлларининг илтимосномалари ҳам аксар руқъаларда баён этилганки, уларни ҳам алоҳида туркумга ажратиш жоиздир. Бундай руқъалар давлат амалдорларига иши тушган, адолатсизликка учраган кишиларнинг, камбағал деҳқонлар, ҳунармандларнинг, моддий ёрдамга муҳтож мударрислар ва талабаларнинг илтимосларига биноан ёзилган ва илтимос қилувчининг ўзи орқали мухотаб адресатга йўлланган.

7. «Рашаҳот айн ул-ҳаёт» номли биографик асар муаллифи Фаҳруддин Али Сафий Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг Абдуҳолик Ғиждувоний тилидан айtilган қуйидаги сўзларини келтиради: «Ҳазрати Абдуҳолик Ғиждувоний буюрмишларки, халқ гарданидан оғирликни кўтариш керак, аммо бунга ҳалол касб билангина эришилади». «Кўл иш билан, дил ёр (Аллоҳ) билан» шиори хожагон тариқатида муқаррардир». «Силсилат ул-орифин» асарининг муаллифи Муҳаммад Ғозийнинг айтишича, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор мазкур ғояни давом эттириб: «Мусулмонлар бошидан жабр-зулмни дафъ этмоқ учун дин ва шариатни дастур қилган ҳолда султонларга мурожаат қилмоқ лозимлигини» нақшбандия тариқат аҳлининг вазифаларидан, деб уқтиради. Бу эса, Ғиждувоний ғоясини амалда, ҳаётда бевосита қўллашга қаратилган сўзлардир.

8. Эҳтимол, ана шу мақсадни амалга оширмоқ учун Хожа Аҳрор ҳам, Абдурахмон Жомий ҳам ўз ҳаммаслаклари, Хуросонда юксак давлат лавозимларини ўтаб турган Алишер Навоийнинг бу мансаблардан четланмаслигини маслаҳат берганлар. Навоий ижодий ишлар билан машғул бўлмоқ учун давлат ишларидан кетмоқни орзу қилган пайтда Хожа Аҳрор ҳам, Абдурахмон Жо-

мий ҳам унга ёзганлар: «...Қудратли султонга яқин бўлиш ва унга ўз сўзини ўтказа билиш – улугъ неъматдир. Бу неъмат шукронаси эса киши ўзлигини ва ўз вақтини мусулмонлар юмушига сарфлаш, улардан золимлар кўлини калта қилиш, зулмни йўқотишдир...». Бундай мазмундаги хатлар альбомда бир нечта ва Абдуҳолик Ғиждувонийнинг биз юқорида келтирганимиз сўзлари билан ҳамоҳандир.

9. Абдуҳолик Ғиждувоний «Гирой аз гардани халқ бояд бардошт», яъни «Халқ гарданидан оғирликни енгиллатиш керак», деган фикрни олға сурган эди. Бу назарий таълимотни амалда қўлламоқ учун Ҳожа Аҳрор ўз замони шароитидан келиб чиқиб: «Султонларга мурожаат қилиб, улардан халқ аҳволини енгиллатишни талаб қилмоқ лозим», – дейди. Ҳожагон-нақшбандия тариқатининг ҳаётга бўлган муносабатини англатувчи бу икки назарий ва амалий қарашлар «Мажмуайи муросанотдан» 5-рақамда жой олган руқъада ўз аксини топган. Хат муаллифнинг шу китобда (Султон Ҳусайн Бойқарога) қаратилган истаклари билан бошланиб, ундан аввалданок муаллифнинг мақсади нима эканлигини англатувчи дуо ифодаланади: «Ислом дини ва мусулмонлар таянчи бўлишда Аллоҳ таоло Сизнинг умум эзгуликларингизни кам қилмасин».

Шундан сўнг мамлакат ижтимоий ҳаётига оид уч масала баён қилинади. Улардан бирида Ҳирот шаҳрида безорилар мусулмонларга озор бераётганликлари, аммо уларга қарши чора кўрилмаётганлиги; иккинчисида бу ерда савдогарларга дахл қилинмаётганлиги сабабли, улар ҳар тарафдан келаётганлиги, аммо айрим амалдорлар – даллоллар улардан белгиланган миқдор устига яна кўшимча солиқ йиғаётганлари, натижада савдогарлар бу ерга келганликларидан пушаймон бўлаётганликлари ёзилади. Учинчиси эса, «Ҳаво-ут ва дудий» (тутун пули)га ўхшаш фавқулодда солиқлар ҳаддан зиёд талаб қилинаётганлиги, бунда ҳеч қандай қоида йўқлиги ва озгина баҳона билан кўп нарса олинаётганлиги айтилади ва кетидан «халифалик паноҳи бўлмиш ҳазрат мулозимларига бу аҳволдан бадномликдан бошқа ҳеч бир ҳосил йўқдир. Алқисса, ҳар ким ўз манфаатини амалга ошириш мақомидадир, ҳеч ким мусулмонлар ҳоли ҳақида фикр юритмай-дур. Вассалом».

**ҒИЖДУВОНИЙ ҲАҚИДА ЁЗИЛГАН “МАНОҚИБ”
ВА “МАҚМОТ” ҲАМДА УНИНГ ЯҒОНА
НУСХАЛАРИ ҲАҚИДА**

“Маноқибни Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний” (“Абдуҳолик Ғиждувонийнинг ҳаёт йўли”) номли асар Хожа Мавлоно Исфаҳоний лақаби билан машҳур бўлган Фазлуллоҳ ибн Рўзбехоннинг қаламига мансуб. Фазлуллоҳ ибн Рўзбехон 862/1457 йилда Хуросонга қаршли Луристон вилоятининг Хунжа деган шаҳарида таваллуд топган. Отаси Жамолиддин Рўзбехон ўз даврининг йирик уламоларидан бири бўлиб, “Самарат ул-ашжор” (“Дарахтларнинг меваси”) номли асар муаллифидир. Фазлуллоҳнинг ёшлик йиллари Шероз ва Исфаҳонда ўтган. Кейинчалик у Макка, Мадина ва Мисрда таълим олишни давом эттирган. Ибн Рўзбехон “Хилл ут-тажорид”, “Таълиқот бар муҳолот”, “Бадий аз-замо фи қиссат ҳай ибн Яқзон”, “Тарихи оламоаройи Амийнӣ”, “Шарҳи қасидаи бурда ал-Бусирийӣ”, “Абтол наҳж ал-ботил”, “Рисолаи харисийя”, “Насабнома”, “Сулук ал-мулук” ва бошқа асарлар муаллифидир.

Ибн Рўзбехон XVI аср бошларида Исмоил Сафавий, Хусайн Бойқаро ва шаҳзодалар ўртасида бўлиб ўтган урушлардан кўп кулфатлар кўради. Охири бир қанча олим ва шоирлар қатори Мовароуннаҳрга, Шайбонийхон ҳузурига келади ва унинг муарриҳига айланади. Бу ерда у 914/1509 йилда ўзининг “Меҳмонномаи Бухоро” (“Бухоролик меҳмоннинг китоби”) номли асарини ёзади. Бу асар XV-XVI асрлардаги Ўрта Осиёда юз берган сиёсий, иқтисодий ва маданий воқеаларни ўрганишда катта аҳамиятга эга. У ўзбек олимаси Р.П. Жалилова томонидан тадқиқ этилиб, фото нусхаси билан нашр этилган.

Ибн Рўзбехон 1510 йилда Самарқандга, кейинроқ Шайбонийхоннинг жияни Убайдуллахон таклифи билан Бухорога келади ва унга “Ҳисни ҳасин” (“Ёнгилмас қалъа”) номли китобдан дарс беради. Убайдуллахоннинг илтимоси билан “Сулук ал-мулук” (“Подпоҳларнинг тугадиган йўли”) номли китобини ёзади. Китобда давлат бошлиқларининг давлатни идора қилиш йўллари қизиқарли баён қилиб берилади. 1514 йили тугатилган бу асарнинг дастхат (автограф) нусхаси Санкт-Петербургда сақланмоқда.

Ибн Рўзбехон 1509 йилда Убайдуллахон лашқари билан душманга қарши юришда Ғиждувонга келади. Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний қабрини зиёрат қилади. Бу ҳақда “Меҳмонномаи

Бухоро” ҳамда “Мақомот”нинг муқаддимасида баён қилинган. Ибн Рўзбехоннинг ёзишича, шу зиёратда унинг танишларидан бири Абдуҳолик Ғиждувонийнинг “Рисолаи васоё” (“Васиятлар рисоласи”) ёки “Одоби тариқат” (“Тариқат одоби”) рисоласини ўзи билан олиб келган бўлиб, Ибн Рўзбехондан шу рисолага шарҳ (тушунтириш) ёзиб беришни сўрайди.

Ҳожа Абдуҳолик Ғиждувонийнинг “Одоби тариқат” асарида Ғиждувонийнинг тариқат йўли ва мурид амал қилиши зарур бўлган қоидалар баён қилинган. Бироқ васиятлар гоят қисқа, лўнда ва сермаъно бўлиб, унинг баъзи жойларини шарҳлаб кенгайтиришга эҳтиёж пайдо бўлган. Ибн Рўзбехон рисолаи уч кун ичида шарҳлаб беради. Мазкур асарнинг ҳозирча ягона нусхаси ЎЗР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида сақланмоқда.

Ҳазлуллоҳ ибн Рўзбехоннинг “Маноқиб”дан ташқари “Мақомоти Ҳожа Абдуҳолик Ғиждувоний” (“Ҳожа Абдуҳолик Ғиждувонийнинг (ҳаёт йўли)”) номли асари ҳам бор. “Мақомот” Ҳожа Абдуҳолик Ғиждувоний ҳақида ёзилган турли манбалар ҳамда Ғиждувонийнинг ўзи ёзган рисоалар асосида бунёд этилган. Рисола Ғиждувонийнинг ота-онаси ҳамда ўзининг туғилиши баёни билан бошланади. “Мақомот”дан Ғиждувонийнинг қароматлари ҳамда унинг халқ билан бўлган муомалалари ўрин олган. Бундан ташқари, рисолада Ғиждувонийнинг халифалари Ҳожа Аҳмад Сиддик, Ҳожа Авлиёйи Кабир, хусусан, Ҳожа Ориф Ревгарий ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Унда Ғиждувоний томонидан ёзилган бир қанча рубоийлар ҳам мавжуд. “Мақомот”нинг ягона нусхаси ЎЗР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида сақланмоқда. Бу қўлёзма 1233/1817 йили Мир Саййид Ғори ибн Мирақхўжа Бухорий томонидан кўчирилган.

Юқорида зикр қилинган “Маноқиб” ҳамда “Мақомот”лар Ҳожа Абдуҳолик Ғиждувонийнинг ҳаёти, илмий фаолияти ҳамда тасаввуфдаги ўрнини ўрганишда шубҳасиз катта аҳамиятга эга.

М. Салоҳиддинова (Самарқанд)

АМИР ШОҲИЙ ТУРКИЙ ДЕВониДА АБДУХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ ТАЪЛИМОТИ ИФОДАСИ

Султон Масъуд Мирзо Шохий ўзбек халқининг йирик давлат арбоби ва сарқардаси соҳибқирон Амир Темурнинг бешинчи

бўгин авлоди, Захириддин Муҳаммад Бобур сингари Султон Абу-саид Мирзонинг набирасидир. У 1475 йилда дунёга келди. Унинг отаси Султон Маҳмуд Мирзонинг беш ўғли ва ўн бир қизи бор эди. Масъуд Мирзо ана шу фарзандларнинг энг каттаси – валиахд шаҳзода эди.

Султон Масъуд Мирзо туркий тилда шеърый девон тартиб бериб, ундаги шеърларига Шоҳий деб тахаллус қўйган. Ана шу девоннинг мунтазам таҳлили Амир Шоҳийнинг ўз даври мафкурасининг асосий таълимоти бўлмиш нақшбандияга бўлган ихлос ва эътиқоди ҳақида етарли маълумот беради.

Нақшбандия Хуросонда, хусусан, унинг маркази Хиротда XV аср иккинчи ярмида энг илғор тараққийпарвар миллий мафкура даражасига кўтарилган эди, бу тарихат Шоҳий ижодининг энг фаоллик даврида қарийб юз йиллик тарихий тараққиётга эга эди: «XV асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳрдаги туркий адабиётда Яссавий аънаналари етакчи мавқе тутгани ҳолда, Хуросон доирасида нақшбандийликнинг ғоявий таъсири кўрина бошлайди»⁴.

Шоҳий девонида ҳамд, наът ва бир неча орифона ғазаллар ҳам жой олган ва улар асосан маълум ҳарфлар билан тугайдиган ғазаллар туркумининг бошида жойлаштирилган. Бу йўналишдаги ғазаллар шоир фалсафий-диний тафаккурининг ислом сунний мазҳабига ва нақшбандия тариқати ақидаларига мос табиатидан далолат беради. Чунончи, «бу таълимот тасаввуф асосларини пухта эгаллаб, шу тариқатга қадам қўйган мутафаккир адиблар орқали бадий адабиёт билан боғланади. Шунинг учун ҳам нақшбандия ва бадий адабиёт муаммосини ўрганганда ижодкор шахсининг нақшбандия сулукига мансублиги ҳамда мазкур таълимотни унинг ижодиётига таъсирини кўзда тутиш лозим»⁵.

Амир Шоҳийнинг орифона мулоҳазалари, Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний таълим берган тариқат раишчалари асосан унинг ғазаллари тахаллусли байтларида, яъни мақтаъларда ўз ифодасини топади. Бундай байтларда шоир фано ва бақо, ҳақиқий ишқ ва ошиқлик, зуҳду тақво ва риндлик, ўз ички оламига, нафс тубанлигидан руҳ юксаклигига қараб сафар қилмоқ каби тушунчалар хусусида фикр юритади.

⁴ Исҳоқов Ё. Ўзбек адабиёти ва нақшбандия таълимоти. – Тошкент. 2001. – 12 бет.

⁵ Шу китоб, 18 бет.

Шоир сўфиёна тафаккурининг турли қирралари унинг ижтимоий ғазалиётида баъзан биринчи тасаввурда мажозий ишқ тасвиридек кўринган ошиқона ғазаллари байтларида, аксари, мактаъ ва мактаъдан олдинги байтарда ифода этилади. Шоҳий шеърятдаги нақшбандия тариқати ғоялари тарғиби ва раиҳалари ифодасининг илмий ўрганилиши унинг ижодкор сифатида ўз даври миллий мафкураси, дунёқарашида тутган ўрни ва мавқеини белгилаб беради.

М. Раззоқова (Тошкент)

ТОХИР ЭШОН АБДУХОЛИҚ ФИЖДУВОНИЙ ҲАҚИДА

Халқимизнинг маънавий мероси ниҳоятда бой ва рангбаранг бўлиб, унда ислом асосида шаклланган тасаввуф таълимоти узоқ асрлар давомида ниҳоятда муҳим рол ўйнаб келди. Айникса, тасаввуф тарихида хожагонлар тариқати қатта аҳамият касб этади. Хожагонлар тариқатининг асосчиси Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг халифа (шоғирд)ларидан бири Абдуҳолиқ Фиждувоний тасаввуф тарихида муҳим ўрин тутади. Ўтмишда кўпгина мутасаввифлар мазкур таълимот намоёндалари ҳақида кўпгина асарлар яратган, жумладан, улар Фиждувонийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ўз асарларида маълумот бериб ўтадилар. Бундай асарлар орасида Муҳаммад Тоҳир Эшоннинг “Тазкираи нақшбандия” асари ҳам муҳим ўрин тутади.

Муҳаммад Тоҳир Эшоннинг тўлиқ исми – Муҳаммад Тоҳир ибн Муҳаммад Таййиб Хоразмий бўлиб, у XVIII асрда яшаб, ижод этган. Тоҳир Эшоннинг бизгача учта асари етиб келган. “Тазкираи нақшбандия” асарининг 8 та кўлёзма нусхаси ЎЗР ФА Шарқшунослик институти кўлёмалар хазинасида сақланмоқда. Мазкур асар Тоҳир Эшоннинг устози Омон Термизий (вафоти 1721) топшириғи билан ёзилган. Бу ҳақда муаллиф қуйидагиларни ёзади: “...Хожагон тариқати (шайхлари) тўғрисида китоб ёзинишни истайман. Китобда ўз истеъдодинг қудрати билан уларни табақа-табақа баён қил. Бухоро, Балх, Самарқанд ўртасида юриб (улар тўғрисида маълумот тўплагин) ва бу китобни форсий ва арабий тилда ёзгинки, одамлар ундан баҳра олсин...”. “Тазкираи нақшбандия” асарида тасаввуф тарихида хожагонлар (нақшбандия) тариқати ривожига озми-кўпми ҳисса қўшган 321 та машоъихнинг таржимаи ҳоли ҳақида маълумотлар келтирилади. Шу-

нингдек, унда аштархонийлар сулоласидан бўлган Бухоро амирларидан Субхонқулихон ва шайбонийхонлардан Убайдуллахонлар ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Тоҳир Эшон “Тазкираи нақшбандия” асарида хожагонлар тариқатининг асосчиси Хожа Юсуф Ҳамадонийдан то XVIII асгача бўлган нақшбандия тариқати вакилларининг ҳаёти ва ижоди ҳақда тўлиқ маълумот беради.

Тоҳир Эшон “Тазкираи нақшбандия” асарини ёзар экан, албатта ўзидан аввал ёзиб ўтган олимлар асаридан фойдаланади. Қизиғи шундаки, муаллифнинг мазкур асарида келтирилган маълумотлардан ташқари, бошқа манбаларда учрамайдиган маълумотларни ҳам кўришимиз мумкин. Асардан нақшбандия тариқатининг йирик вакиллари, шунингдек, мазкур тариқатнинг ривожига озми-кўпми ҳисса қўшган бошқа нақшбандия машойихлари ҳақида ҳам маълумотлар учрайди. Жумладан, нақшбандия тариқатининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанднинг тўртинчи шогирди бўлмиш Мавлоно Яъқуб Чархий ҳақида айрим маълумотлар бор.

Хулоса қилиб айтганда, Тоҳир Эшоннинг “Тазкираи нақшбандия” асари тасаввуф тарихини ўрганишда муҳим манба вазифасини ўтайди.

Б. Муҳиддинова (Самарқанд)

САЙИДАҲМАД ВАСЛИЙ АБДУХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ ҲАҚИДА

Самарқандда яшаб ижод этган ва ўзининг сермахсул ижоди билан адабиётимиз, хусусан, тасаввуфий адабиёт тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган Саидахмад Васлий Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний ҳақида ўзининг «Назм ус-силсила» асарида маълумот беради. Бу асар 1330 ҳижрий (1912 мелодий) йилда форс-тожик тилида назм билан битилган. Асар 1331 ҳижрий (1913 мел.) йилда Тошкентда чоп этилган бўлиб, у тариқат пири, ургутлик шайх Эшони Валихонга бағишланади. 386 байтдан иборат бўлган асарнинг арабча насрий баёни ҳам мавжуд бўлиб, унда ҳазрати Эшони Валихон шажаралари ҳақида таъриф бериб ўтилган. Шоирнинг «Назм ус-силсила»ни ёзишдан мақсади нақшбандия силсиласи вакиллари ҳаётини ёритиш, улар ҳақидаги тарихий маълумотларни келтиришдан иборат бўлиб қолмай, балки сўфийлик нисбати, тариқат занжирининг ҳалқаларини баён этиш ҳам асос қилиб олинган.

Асарни шартли равишда икки қисмга ажратиш мумкин. Биринчи қисм Баҳоуддин Нақшбандга қадар бўлган шайхлар силсиласини ўз ичига олса, иккинчи қисм Нақшбанддан кейинги намойндалар ҳақида маълумот беради.

Васлий таъкидлайдики, нақшбандия сулуқининг силсиласи Баҳоуддин Нақшбанддан бошланган бўлса ҳам, бироқ шу тариқатнинг ўзи Боязид Бистомий, Абдулҳасан Ҳарақоний, Шайх Хожа Али Формадий, Хожа Юсуф Ҳамадоний ва Хожа Абдуҳолик Ғиждувонийга бориб тақалади. Асар муаллифи тасаввуф йўлига асос солганларни бир-бир санаб ўтади. Васлий Самарқандий асарда 30 та бузуқвор ва шайхларнинг тариқатларини келтиради. Бу шайхларнинг кўплари эса Мовароуннаҳрнинг улуг ва пок сўфийларидандирлар.

«Назм ус-силсила» тузилиши ва бадний услуби жиҳатидан ўзига хос асар. У қасида ҳам, манокіб ҳам, ҳолат ҳам эмас. Шаклан маснавий йўлида ёзилган.

Муаллиф тасаввуф идмини бир нур сифатида тасаввур этади. Бу нур эса, ўз-ўзидан ҳосил бўлмай, ворисийлик асосида устоздан шогирдга ўтаверади. Бу нурнинг мабдаъи Ҳақ таолодир. Бу нур катор кўп тасаввуф вакилларида ўтиб Ғиждувонийга ҳам келган.

Асарда маърифатли, юксак ахлоқ ва улуг мартабали етук инсон Абдуҳолик Ғиждувоний ва ул зотнинг пир-муридлик узвлари, тариқатидаги ворисийлик анъаналари ҳақида кенг ва аниқ маълумотлар берилади. Шу нуқтаи назардан бу асар давр адабиётшунослигида ўзига хос ўрни ва мавқега эга деб ўйлаймиз.

Н. Баратова (Самарқанд)

ХОЖА АБДУХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ ВА СЎФИ ОЛЛОЁР ВАСИЯТНОМАЛАРИНИНГ ҒОЯВИЙ УЙҒУНЛИГИ

Тасаввуф шайхларининг муршидлик фаолиятларида тарбиянинг самарали воситаларидан бири бўлмиш «васиятнома»лар битиш анъанаси мавжуд. Шайхлар васиятномаларини асосан «Эй, фарзанд» деб бошлар эканлар, ўз фарзандлари билан бир қаторда шогирду муридларини ҳам назарда тутадилар. Худди шунингдек, баъзи васиятномалар «Эй, дарвеш» деб номланар экан, шайхлар тарбияларида бўлган муридлари каторида ўз фарзандларига ҳам хитоб қиладилар. Шарқ исломий ва тасаввуфий-бадний адабиёти-

да шакл ва мазмун жиҳатидан ҳамоҳанг бўлган васиятномалар анчагина бўлиб, уларни умумий ғоявий мақсад ва руҳ бирлаштиради.

Маълумки, васиятномада пир ёки муршид ўз сўфийлик тариқатининг асл моҳиятини баён этади. Шу жиҳатдан бундай асарда муаллифнинг дунё ва инсон ҳаёти мазмунини идрок этиши, оламнинг яратилиши ҳақидаги фалсафий фикрлари, тариққийётнинг ўзидан кейинги равнақи хусусидаги мулоҳазалари ўз аксини топади. Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний ва унинг издоши Сўфи Оллоёрнинг васиятномаларида тўла ёки ярим иқтибос олиниб, талмеҳ сифатида ишлатилган оят ва ҳадисларга дуч келиш мумкин. Шунингдек, ушбу оят ва ҳадислар мазмуни асар мазмунига сингдириб юборилади ва унинг ғоявий моҳиятини таъмин этади. Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний ва Сўфи Оллоёр васиятномалари ғоявий уйғунлигининг асосий сабаби шундандир. Шу мавзудаги тадқиқот учун васиятномаларда мисоллар кўпдир.

Ўрта асрлар мусулмон шарқининг бир-биридан қарийб етти асрлик масофада яшаб ижод этган икки йирик мутафаккири Ҳазрати Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний ва Сўфи Оллоёрнинг «Эй, фарзанд» деб бошланувчи васиятномаларида исломий қадриятларга нисбатан қарашлари бугунги ёшларимиз ҳаётида миллий маданиятнинг, миллий онгнинг, миллий гурурнинг ўсиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. «Васиятнома»ларнинг қиёсий таҳлили асосида яна шундай ҳулосага келадикки, уларни миллий ва умуминсоний нуқтаи назарлардан шарҳламоқ ва тарғиб этмоқ лозимдир.

Нодирхон Ҳасан (Тошкент)

ХОЖА АБДУХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ ВА ҲАЗИНИЙ

Қадим Туркистон заминидан кўнлаб тасаввуф намोёндалари етишиб чиққан. Илму маърифати билан халқимиз маънавиятига фойда бағишлаган мунаввар сиймолардан бири Хожан Жаҳон – Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний ҳазратларидир.

Халқни тўғри йўлга бошлаган ва эл орасида комил инсон сифатида эъзозланган пиру муршидларнинг ибратли ҳаёт ҳикояларини ёритиш адабиётимизда алоҳида ўрин тутган анъана ҳисобланади. XVI асрда яшаб ижод этган, Хожа Аҳмад Яссавий асос солган яссавийлик тариқати ва адабий мактабининг йирик

вакилларидаан Султон Аҳмад Ҳазиний бу аънанани изчил равишда давом эттирган мутасаввиф адиблардан. Унинг қаламига мансуб «Жавоҳир ул-аброр мин амвож ил-биҳор», «Манба ул-абҳор фи риёз ил-аброр» ва «Жомий ул-муршидин» номли яссавия ҳамда нақшбандия машойихи манқабаларига бағишланган рисолаларида «сарҳалкаи нақшбандия» бўлмиш Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний ҳазратларининг таърифу тавсифига алоҳида ўрин ажратилган.

Ҳазиний ўз асарларида Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний ҳазратларининг устози Юсуф Ҳамадоний таърифига тўхталади. Зеро, Ўрта Осиё минтақасида тасаввуфнинг кенг тарқалишига сезиларли ҳисса қўшган Хожа Абдуллоҳ Баррақий, Хожа Ҳасан Андоқий, Хожа Аҳмад Яссавий ва Хожа Абдуҳолик Ғиждувонийларнинг камолотга етишишларида устоз Юсуф Ҳамадонийнинг ўрни бекиёсдир. Ҳазиний Абдуҳолик Ғиждувонийни Хожа Абдуллоҳ Баррақий, Хожа Ҳасан Андоқий ва Хожа Аҳмад Яссавийлар билан бир қаторда тилга олади ва Хожа Абдуҳолик хуфий зикр йўлида орифларнинг қутбидир. У сўз денгизининг Абдуҳоликкики, ҳазрати Хизрдан дарс олган ва у ладун илмининг фақиҳидир, дея баҳо беради.

Ҳазиний ўз асарида Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний етиштирган шогирд-халифалар баёнига ҳам ўрин ажратган. Унингча, «қўп мохирлар ундан (Ғиждувонийдан) иршод олдилар. Йўл кўрган орифлар унинг ичидан (унинг кетилан) чопдилар...»

Ҳазиний Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний ва Хожа Аҳмад Яссавий муносабатларига алоҳида тўхталади. Аҳмад Яссавий ҳамсабоғи Абдуҳолик Ғиждувонийнинг маънавий камолоти учун қайғурганлиги, Яссига қайтгандан кейин ҳам доим хаёлан Ғиждувонда юрганлиги, Хожа Абдуҳоликнинг шайхлик мартабасини юксалтириш учун ғам чекиб, чексиз ҳиммат кўрсатганлиги шулар жумласидандир. Ҳазиний Бухороий шарифнинг «қуббат ул-ислом» даражасига етиб, дунёга донг таратишида Яссавий ва Ғиждувонийларнинг ҳам хизматлари сингганлигини алоҳида баён этади. Хожаи Жаҳон шарофатидан бу диёр маъмуру обод экани, унинг баракотидин Бухородан бало-қазолар бартараф бўлгани муаллиф томонидан қайта-қайта таъкидланади.

Ҳазинийнинг Абдуҳолик Ғиждувоний мадҳига кенг тўхталишининг асосий сабаблари, бизнингча, Хожаи Жаҳоннинг Аҳмад Яссавий билан жуда яқин муносабатда бўлгани, хожагон сулуки асосчиларидан экани ва, ниҳоят, Ҳазинийнинг ўзи ҳам яссавийлик билан бир қаторда, нақшбандия шайхлари гуруҳига мансуб-

лигидир. Ҳазинийнинг фикр-қарашларидан яссавийлик билан нақшбандийлик орасида моҳият жиҳатидан умумий бирлик мавжудлигини ҳам сезиш мумкин. Шунингдек, Ҳазиний асарида келтирилган маълумотлар Хожа Абдуҳолик Ғиждувонийга доир тасаввурларимизни анча бойитади.

Н. Хидирова (Тошкент)

ХОЖА АБДУХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙНИНГ «ВАСИЯТНОМА»СИГА ЁЗИЛГАН МУҚАДДИМА

XIV-XV асрларда чингизийлар ҳукумронлигидан кейин Мовароуннаҳрда Амир Темур ва темурий шаҳзодалар томонидан ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётнинг изга солиниши ислом динининг янада тараққий топишига тўртки бўлди. Хусусан, хожагон-нақшбандия тариқати янги бир ривожланиш босқичига кўтарилди. Ва, натижада, ушбу тариқат XV асрга келиб бошқа тариқатлардан фарқли ўлароқ жамиятда ўша даврда мавжуд бўлган талабларга мувофиқ шаклда намоён бўлди⁶. Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) вафотидан кейин нақшбандия тариқатини кенг тарғиб қилган шахслардан бири унинг иккинчи халифаси Хожа Муҳаммад Порсо (вафоти 1420) эди. Хожа Муҳаммад Порсо кўлёма манбаларда нафақат шайх, балки ўз даврининг етук олими сифатида тилга олинади. Ҳозирги кунда унинг турли масалаларга бағишланган йигирмага яқин асари мавжуддир. У ўз асарларида асосий эътиборини тасаввуф тарихига, нақшбандия тариқатининг ўзига хос томонларини илмий нуқтаи назардан тартибга солишга, айримларида эса сўфиёна истилоҳларни таҳлил қилишга қаратгандир.

Бу асарларни синчиклаб ўрганиш Муҳаммад Порсо ўзи яшаган давргача яратилган диний-фалсафий асарларни пухта эгаллаганлигини ва шу билан бирга мумтоз тасаввуф аъёналарини ўз даври билан боғлаб хожагон-нақшбандия тариқатининг янгича йўналишда шаклланишига асос солганлигини кўрсатмоқда.

Муҳаммад Порсо ўз асарларида хожагон-нақшбандия тариқати тарихига жиддий эътибор бериб, тариқат ғояларини ўз даври билан боғлашга ҳаракат қилади. Унинг ана шундай асарларидан бири Абдуҳолик Ғиждувонийнинг «Васиятнома»сига ёзган

⁶ Каримов Э.Э. Суфийские тарикаты Центральной Азии XII-XV вв. Автореф. дисс... докт. ист.. наук. Ташкент, 1998. С. 37.

муқаддимасидир. Асар кичик бир рисола тарзида ёзилган бўлиб, Абдуҳолиқ Ғиждувонийнинг «Васиятнома»си билан битта тўпламга киритилган ва ҳар икки асар ҳам XIX асрда кўчирилган. «Муқаддима»да Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний ва барча хожагон маслағи вакиллари амал қилган тариқат қондалари: шариат, нафс тарбияси, мақоматлар, зикр каби тушунчалар изоҳланади.

Бизга маълумки, Абдуҳолиқ Ғиждувонийнинг «Васиятнома»си унинг шогирди ва маънавий ўғли хожа Авлиёи Кабирга бағишлаб ёзилган ва ушбу асар барча хожагон тариқати вакиллари учун қўлланма вазифасини ўтаган. Биз «Муқаддима»ни Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувонийнинг «Васиятнома»си⁷ ва хожагон-нақшбандия тариқати ҳақида кенгрок маълумот берувчи «Васиятнома»нинг қадимги нусхаларидан бири «Маслак ал-орифин»⁸ билан солиштириб, асар айнан «Маслак ал-орифин» асарига муқаддима тарзида ёзилган деган қарорга келдик ва уларнинг ўзаро ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлашга ҳаракат қилдик. «Маслак ал-орифин» нафақат васиятнома ҳуқуқидаги асар, балки Абдуҳолиқ Ғиждувоний ва барча хожагонлар хонадонининг йўлини акс эттирувчи асар ҳам ҳисобланади⁹. У ўн етти бобга ажратилган. Унда шариат, тариқат, зикр, нафс тарбияси, солиқни тарбия қилишда пирнинг ўрни, мақоматлар ва тасаввуфий манзилларга кенг ўрин берилган. Асарда пир ва муршид муносабатларига қатта эътибор берилиб, муриднинг шайхга бўлган эҳтиёжи, шайхнинг мақом ва сифатлари келтирилган. Хожа Муҳаммад Порсо ҳам «Муқаддима»да Абдуҳолиқ Ғиждувоний ва шу тариқат вакиллари амал қилган нафс тарбияси ҳақида гапириб, солиқ бир мунча муддат ҳақ лутғи ва пирнинг дуои яхшиликлари соясида риёзот чекади, деб пир ва муршид муносабатларига алоҳида урғу беради. Бу билан муршид пирнинг ёрдамисиз тариқат манзилларини ўта олмаслигини таъкидлаб, қадимий хожагон анъаналарини давом эттириш, силсиланинг давомийлигини сақлаш масалаларини ҳам ўртага қўяди. Яна "Муқаддима»да мақоматлар ҳақида сўз кетар экан, ўнта нурни яхши англамасдан туриб уни ҳосил қилиб

⁷ Абдуҳолиқ Ғиждувоний. Ибтидо жамъи ал-калом, қўлёзма № 3039/ IV.

⁸ Муҳаммад ибн Асад ал-Бухорий. Маслак ал-орифин. ЎзРФА ШИ, қўлёзма №2517/ I // Вяткин В. Завещание шайха Абду Халика Ғиждувани. Туркестанские ведомости. 1898. № 94. // Юрген Пауль. Маслак ал-арифин. Один документ к ранней истории Хаджаган – Нақшбандийа. Суфизм в Центральной Азии. Санкт-Петербург. 2001. С. 200-210.

⁹ Девин Ди Уис. Истоки Хаджаган и критика суфизма. Суфизм в Центральной Азии. Санкт-Петербург. 2001. С. 259.

бўлмаслиги ҳам таъкидланади. Булар: нури имон, нури ислом, нури тавҳид, нури маърифат, нури ҳидоят, нури йодқард" нури боғашт, нури нигоҳдошт, нури йоддошт, нури шайх.

Хулоса қилиб айтганда, Хожа Муҳаммад Порсонинг «Муқаддима»си Абдуҳолик Ғиждувоний ва барча хожагонлар амал қилган тариқат қоидаларини ўз даври билан боғлайди ва «Васиятнома»нинг асосий мазмунини мухтасар тарзда ўзида акс эттириб, уни содда қилиб тушунтиради.

Р. Орзибеков (Самарқанд)

НАҚШБАНДИЯ СИЛСИЛАСИНИНГ ФАРҒОНАДАГИ ҲАЛҚАЛАРИ

Ўрта Осиё, Эронзамин, Ҳиндистон ва бошқа ўлкаларда истикомат қилувчи мусулмонларнинг ижтимоий тафаккурида Баҳоуддин Нақшбанд асос солган таълимот муҳим ўрин эгаллаб келганлиги маълум. Бу таълимот тўлалигича ислом дини қоидаларига, «Қуръони Карим» ҳамда “Ҳадиси Шариф”даги муқаддас йўл-йўриқларга асосланади. Нақшбандийлик ўз даврининг илғор, дунёвий мафқураси ғояларини, эзгу мақсадларини ўз ичига олади. У инсон, унинг ўз юксак даражасига муносиб бўлмоқ учун касб этмоғи лозим бўлган олижаноб фазилатлар: инсонпарварлик, адолатпарварлик, меҳнатсеварлик, ватанга муҳаббат каби улуғ сифатларни ташвиқ этган. Бу таълимотнинг ўзани аллома Абдуҳолик Ғиждувоний ўғитлари, пандномалари билан боғлиқдир. Баҳоуддин Нақшбанд ўз таълимотини яратишда шул зотнинг йўл-йўриқлари ва таълимотидан фойдаланган. Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида “...тарбият Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний руҳидан топибдилар” дея эслатиб ҳам ўтган. Чиндан ҳам бу таълимот тамомила эзгуликка бағишланган бўлиб, инсонни меҳнатга, фаолликка, одамлар билан бирга бўлиб, жамият учун хизмат қилишга чорлайди, ҳалоллик, дилдан яратувчига эътиқод, ҳалол меҳнат, риёзат эвазига ҳаёт кечириш, умрни хуш ўтказиш бу таълимотнинг асосий моҳиятини ташкил этади.

Ўзбек мумтоз адабиётининг XIV-XV асрлардаги намоёндалари, хусусан, Алишер Навоий ва ундан кейин яшаб ижод этган катор вакиллари бу таълимотга эътиқод боғлаб, ундаги инсонпарварлик ва ҳаётсеварликка оид эзгу қарашларни ўз асарларида бадий талқин ва ташвиқ этдилар. Бу шоир ва адиблар Ўрта аср

Шарк мумтоз адабиётининг бой аънаналаридан ташқари фалсафий фикр тараққиётидаги илғор фикрлардан, муқаддас исломий манбалардан ҳам яхши хабардор, ориф ижодкорлар бўлганлар. Шуларнинг XVIII асрдаги энг йирик намояндalarидан бири Хўжаназар Ғойибназар ўгли Хувайдодир. Ўз даврида Фарғона водийсида кўпроқ шухрат ёйган. У эшонлар, сайдлар авлодидан бўлган. Қишлоқда мактабдорлик, косиблик қилган, оддий инсон сифатида халқ ичида яшаб, унинг дарди ва орзу-армонларига шеърлик бўлган. Хувайдо ўз асарларида ишқий-ирфоний кечинма ҳамда панду ўғитларни ажойиб тарзда ифодалаган, умрининг охиригача халқ орасида яшаб, ўзининг камтарона турмуши, юксак фазилатлари, шеърляти, диний-тасаввуфий мазмундаги пандномалари, дostonлари билан машҳур бўлган. Хувайдо бой адабий мерос соҳибидир. Хувайдо нақшбандия сулукининг бадиий ижоддаги ташвиқотчиларидан бири сифатида диний-дидактик йўналишдаги “Роҳати дил” манзумаси ҳамда “Иброҳим Адҳам” дostonининг ҳам муаллифидир.

Хувайдо ўз шеърларида мугаффакир шахс сифатида Баҳоуддин Нақшбанд таълимотидаги меҳнатсеварлик, ҳалоллик, ростгўйлик, вафо, эътиқод, одамийлик, ҳаётсеварлик ғояларини улуғлади. Инсон шарафини, баркамоллигини унинг маънавий етуклигида кўрди. Унинг шеърляти кишиларни фаолликка, дину диннатга, покликка чақирувчи, орифона мушоҳадаларга бой, инсон қалбида покиза туйғулар, орзулар уйғотувчи шеърлардир. Хувайдо шеърларидаги байту мисрларнинг аксарияти ҳикмат суви билан жило топган, инсонни ўйлантирувчи, фикр-мушоҳадага чорловчи, унинг эътиқодини мустаҳкамловчи байту мисрлардир. Шу боис Хувайдо ва унинг ижодкор ҳалқаси ҳақида сўз очиб, марҳум таниқли олим Тўхтасин Жалолов ҳам: “Хувайдо тасаввуф тариқатининг нақшбандлик оқимиға мансуб бўлиб, отасининг вафотидан сўнг шу оқимнинг раҳбари бўлиб қолди. Нақшбандлик риёзат чекишға, дунёвий ишлардан воз кечишға қарши чиқди, реал ҳаёт лаззатидан фойдаланишға даъват этиб, меҳнат ва маърифатға чақирди”, – деб ёзган эди.

У ўзи яшаб турган манзил Чимён гўзалининг ишваларини ҳам шўх тароналарда, ҳаётий туйғуларда ифода этди, қуйидаги матладаги мустазод шундай:

Кўрдим туноқун кўчада бир сарви хиромон
кош қоқти яно кетти,

Тишлаб лабини, қош учириб имлади
пинхон, айлади имо кетти.

Унинг оллоҳни дилдан севишни, унинг олдида гуноҳкор бўлиб қолмасликни ташвиҳ этувчи шеърлари билан бирга, реал севгини, ошику маъшуқаларнинг орзу мақсадларини, ширин ҳаёл ва изтиробларини, инсоннинг ҳаётдаги ўрнини гўзал тарзда ифодаловчи шеърлари кўпдир. У XVIII аср Фарғона водийсидаги адабий ҳаётда ўз даврида рўй берган воқеа-ҳодисаларга мутафаккир, нақшбандия қарашларининг бадий адабиётдаги фаол тарғиботчиси кўзи билан қараган, уларни “ҳам дил ба ёр, ҳам даст ба қор” йўлида мушоҳада этган забардаст шоир сифатида намоён бўлади. Ҳувайдонинг нақшбандийлик руҳи билан суғорилган ҳаётбахш асарларидаги соғлом анъаналар унинг авлодига мансуб шоирлар ҳамда XVIII-XIX асрларда Фарғона водийсида, ундан ташқарида машҳур бўлган Амирий, Ғозий, Муқимий, Фурқат, Муҳйи, Камий, Юсуф Сарёмий, Ҳазиний каби истеъдодли шоирлар ижодида давом эттирилди.

М. Болтаев (Бухоро)

ТАСАВВУФ ВА АБДУХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙНИНГ УМУМБАШАРИЙ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАЪЛИМОТИ

Тасаввуф аҳли – сўфийлар руҳоният оламининг улуг сиймолари бўлиб, инсоният учун ҳақиқий, абадий ҳаёт йўлидаги улкан машғалдирлар. Улар жаҳонда шон-шухрат қозонган башарият раҳнамолари. Шарқ ва Ғарб сўфийлари орасида Ҳақ васлига етиш йўлида олий мақом даражаси ҳамда энг юксак маънавий унвон-Ҳожайи Жаҳон мартабасига эришган мўтабар мутасаввуф Абдухолиқ Ғиждувонийдир.

Абдухолиқ Ғиждувоний Ҳақни шахсий тажриба, кечинма билан билиб олган буюк ҳаким, донишманд ҳисобланиб, ўз рисолаларида шахсий худошунослик тажрибаларини баён этиб, шарҳлаганлар. Ҳақни излаш, уни билиб олиш, англаш ва васлига етишнинг энг муҳим ғарплардан бири ҳар қандай ёмон, ярамас ҳислатлардан қутулиш ва яхши ҳислатларга, мақтовли сифат, фазилатларга эга бўлиш ҳисобланади.

Ҳақнинг маскани инсоннинг ўз қалби, кўнглидир. Шунинг учун Абдухолиқ Ғиждувоний айтганларки, бу дунёдаги кўпликнинг яғоналик жиҳатини, яғоналикнинг абадий аслини англаган,

кўрган киши Ҳаққа яқинлашади. Кимки кўплик оламида Ягоналикни назорат этса, кимки саноксиз жонларда Ягона абадий ҳаёт, Рух, Жонни кўрса, кимки турли шакллар оламида Ягона Мутлақ Вужудни пайқаса, у абадий бахт-саодатга эришиб, оромлик ҳолатига етади.

Абдуҳолик Ғиждувоний қарашларига кўра Ҳақ васлига етишнинг зарурий шартларидан бири қалбни, кўнгилни поклаш, софлаш ва одамларга, барча тирик мавжудотларга яхшилик, меҳрибонлик қилиш ҳисобланади.

М. Абдуллаева (Самарқанд)

БОБУР БАДИЙ ТАФАККУРИДА НАҚШБАНДИЯ ҒОЯЛАРИ

Халқимиз кўп асрлардан бери ислом динига эътиқод қилади. Диннинг маърифатпарварлик кучига, маънавий асосларига таянади. Шу боисдан дин ва тасаввуф эгаларига ихлос ва эътиқод қилиш қадриятларимизнинг пойдеворига айланган. Мовароуннаҳр ҳудудида ҳоҳ шох бўлсин, ҳоҳ гадо даставвал ислом ақидаларига риоя қилган, ислом фарзларини мукамал адо этишга ҳаракат қилган. Ҳукмдорлар мутасаввуф диндорларни кароматли авлиёлар деб билиб, уларга сизинган ва улар раҳнамолигида мамлакатни бошқаришда маънавий мададга сазовор бўлганлар.

Соҳибқирон бобомиз Амир Темур вафотидан сўнг пири Сайид Мир Бараканинг оёқ учига дафн этишни васият қилганлигини ёки Яссавий мақбарасини қурдирганлигини ана шундай ихлос-эътиқоднинг намунаси деб тушунаемиз. Амир Темурнинг нева-ра ва эваралари эса, ўз замонасининг пиру комили Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳрорга иродат этиб, ислом тасаввуфининг “шариатсиз тариқат, тариқатсиз маърифат, маърифатсиз ҳақиқат” бўлмаслиги ғоясини тўғри қабул қилганлар.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳам ўз бобокалонларининг анъаналарини ўзида мужассамлаштиришда диний арбоблар, уламолар, тасаввуф вакилларига суянади, улардан мадад олади, маслаҳатларига амал қилиб, иш кўришни ўзига мақбул кўради.

Бобурнинг нақшбандия тариқатига муносабати “Бобурнома” воқеалари баёнида учрайди. Унинг бу тариқатга бўлган эътиқоди асардаги Ҳожа Аҳрор Вали шахсияти орқали очилади. Моҳир адабиётшунос олим, академик Б. Валихўжаевнинг “Ҳўжа Аҳрори

Вали” монографиясида қайд қилинганидек, Захириддин Муҳаммад Бобур Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийлар каби Хожа Убайдуллоҳ билан бевосита мулоқотда бўлмаган. Чунки унинг ижтимоий фаолияти асосан Хожа Убайдуллоҳнинг вафотидан кейин бошланади. Аммо у ёшлигидан умрининг охиригача ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ, унинг тариқати ва хонадони ҳақида яхши маълумотларга эга бўлиб қолмай, балки бу хонадонга алоҳида ҳурмат билан қарар, Хожа Убайдуллоҳнинг руҳидан ҳамиша мадад истар, унинг асарларини ўқир ва ҳатто “Волидия” асарини туркий тилга таржима ҳам қилган эди¹⁰.

“Бобур Хожа Аҳрор Валини бахту толенинг посбони, барча балоларнинг халоскори сифатида тасвирлаши бежиз эмас, – деб ёзади бобуришунос олим Х. Қудратуллаев. – Энг аввало, бу жиҳат Хожа Аҳрорнинг илоҳий нур туташган қудрати, валилиги, кўпчилик қурби етмаган ишларни бажаришга кодирлиги ва Бобурга руҳий мадад бериши билан боғлиқ»¹¹.

Бобур умри давомида Нақшбандия тариқатининг асосий ғояси “Дил ба ёр-у даст ба қор”га амал қилиб яшади. Ҳар бир ғалаба ва муваффақиятини ана шу ғоя замирида амалга оширди. Насрий ва лирик асарларида “Қўл иш билан, дил ёр (Аллоҳ) билан” бўлиши шиорини тараннум этди. Чунончи, “Бобурнома” мемуар асарида ҳам ушбу ғоянинг моҳияти ўз ифодасини топган. Нақшбандийлар кишиларни савдо-сотик, деҳқончилик, хунармандчилик, бадий адабиёт, мусиқа, илм-маърифат, хаттотлик, наққошлик, қурувчилик каби барча фойдали ва хайрли юмушлар билан шуғулланишга даъват этганлар. Бобур ҳам ўз замондошлари ва келажак авлодларини ана шундай хайрли ишларга даъват қилган. “Бобурнома”да тасвирланган турли хил воқеа-ҳодисалар тафсиلى-моҳиятида ҳам нақшбандийлар ғояси ётади.

Шундай қилиб, Бобурнинг тасаввуф ва илоҳий қудратга оид қарашлари “Бобурнома”да ўзига хос тарзда акс этган. Бобур нақшбандия тариқати ғояларини ўзининг бадий тафаккурида очиб бергани унинг эътиқоди мустаҳкам, имонли инсон бўлганидан далолатдир. Ижодкорнинг бу жиҳатини келажакдаги тадқиқотлар асослаб беради, деган умиддамиз.

¹⁰ Валихўжаев Б.Н. Хўжа Аҳрори Вали. Самарқанд: “Зарафшон” нашриёти. 1993 йил.

¹¹ Қўдратуллаев Х. “Бобурнома”нинг тарихий-адабий ва услубий таҳлили. Автореферат. - Тошкент, 1998, 21-бет.

ТАСАВВУФ ВА СУЛАЙМОН БОҚИРҒОНИЙНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАРИ

Туркий халқларнинг буюк мутафаккири, тасаввуф таълимотининг атоқли вакили Хожа Аҳмад Яссавийнинг фидокор шогирди Сулаймон Боқирғонийнинг (1186 йил вафот этган) ҳуқуқий фикрлари, айниқса, унинг шариат ҳуқуқи ва фикҳ борасидаги қарашлари алоҳида диққатга сазовордир.

Шоирнинг дунёқарашига асос бўлган тасаввуф таълимоти унинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги тушунчаларининг адолат ва шариат қонунларига мос шаклланишига эриштиради. Мутаффақир ўзини мўмин-мусулмон, Аллоҳнинг қули, пайғамбарнинг уммати-ман деб ҳисоблайдиган киши шариат ва сунна белгиланган қонунларни тўғри тутиб, унга доимо амал қилиб яшаши лозим ва инсоннинг белгиланган бу ҳуқуқий меъёрни бузиши унинг ўзини-ўзи бошқара олмаслигига, нафсни тиймоқни ўзлаштирамаганлигига, сабри-қаноатсизлигига боғлиқ ҳолда юзага келишини айтиб ўтган. Шоирнинг ақидасича, нафс инсонни хайрли ишларни бажаришдан бош тортирувчи ноқасликка, жиноятга йўл бошловчи туйғудир. Инсоннинг шариат қоидалари асосида ўзини олиб юрмаслиги ўз нафсига эгаллик қила олмаслигидандир. Шоир инсондаги шайтон таъсирида жамланувчи ёмон нафсга руҳни қарши қўяди. Инсон нафсига эрк бермасдан балки руҳга суяниши кераклигини, руҳнинг инсонни шариат қоидаларини мустаҳкам сақлаб ҳаёт кечиришга йўналтирувчи куч эканлигини ҳисобга олди. Шу сабабли ўзининг ички руҳий дунёсини баён қилиб:

Рухим айтур, шариатнинг илмин билиб,
Илм бирла тариқатнинг йўлини билиб

яшаш керак, — деб ёзган эди. Шоир фикрича, тасаввуфдаги ҳақиқат диннинг ички моҳияти, шариат эса ташқи кўринишидир. Сулаймон Боқирғоний бу ерда тасаввуф таълимотидаги шариатга кенг маънода эътиборли бўлиб, бунинг мазмунида фикҳ илмига тегишли шариатни ҳамда шунга боғлиқ бўлган тасаввуфнинг шариат босқичини ҳам назарда тутган.

Инсон ўз нафсини жиловлаб, адолат, ҳақиқат учун интилиши керак. Аллоҳ-таоло ҳақиқатнинг, адолатнинг баланд чўққисидир. “Келинг дўстлар, Ҳақга қуллик қила кўринг”, деб ёзади шоир. Одамларни ҳақ таолога сизгинишга ва унинг яхши кўрадиган

фазилатларининг бири ҳақиқатга, адолатга амал қилишига чақириб, бу Аллоҳга эришиш учун талаб этиладиган шарият белгиланган қоидалар эканлигини тушунтирди.

Шундай қилиб, мутафаккир ҳақиқий комил инсон бўлиш учун одамларнинг шарият белгилаб, кўрсатиб берган қонуларни бузмаслиги лозимлигини, ҳар бир мўмин инсон ҳуқуқий меъёрлар асосида яшаши зарурлигини айтиб ўтади. Сулаймон Боқирғонийнинг бу фикрлари ҳозирги вақтдаги юртимизда ҳуқуқий, демократик давлат қуриш муаммоларини халқимизнинг тушуниб боришида ва қонунни ҳурмат қилиб яшаш кераклигини англаб етишда катта аҳамиятга эга.

У. Уватов (Тошкент)

ТАСАВВУФ ТАРИХИГА ДОИР МУҲИМ МАНБА

Юртимиздан етишиб чиққан улуғ сиймолардан бири, ханафийа мазҳаби бўйича машҳур фақиҳ ва муҳаддис Муҳаммад ибн Исҳоқ Абу Бакр ал-Бухорий ал-Калободийдир Бухорои шарифнинг яқинидаги Калобод маҳалласида таваллуд топганлиги боис ҳам ал-Калободий нисбати билан машҳур бўлган. Афсуски, унинг таваллуд санаси ҳақида ёзма манбаларда ҳеч қандай маълумот келтирилмаган. Лекин олимнинг вафот этган йили ҳақида барча манба ва адабиётларда аниқ равишда ҳижрий 380 (милодий 990) сана кўрсатилган. У фикр бўйича таълимни машҳур шайх Муҳаммад ибн Фазлдан, калом илмидан эса, бухоролик йирик олим Абу Ҳафс ал-Кабийр ал-Бухорийдан сабоқ олиб, ўз даврининг етук олими даражасига кўтарилган.

Абу Бакр ал-Калободийнинг илмий-маънавий мероси ҳақида маълумот берган муаллифлар унинг қаламига мансуб беш ёки олтита асар бўлганлиги ҳақида зикр қилганлар. Ҳозирги маълумотларга кўра, унинг асарларидан фақат иккитасигина бизгача етиб келган, холос. Муаллифнинг бизнинг давримизгача етиб келган икки асаридан бири “Баҳр ул-фавоид” («Фойдали илмлар денгизи») деб аталиб, бу асар “Маъоний ал-ахбор” (“Хабар (ҳадис)ларнинг маънолари”) номи билан кўпроқ машҳур. Ушбу китобда муаллиф жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг одоб-ахлоқ ва тарбиявий масалаларига оид 592 ҳадиси шарифларини мухтасар шарҳлари билан бирга келтиради. Афтидан Абу Бакр ал-Калободий ўз илмий-ижодий фаолияти даврида

ҳадисларга бағишланган асарларни шарҳлашга алоҳида аҳамият берган. Чунончи, баъзи муаллифларнинг қайд этишларича, Абу Бакр ал-Калободий ҳадис илмининг султони Имом Бухорийнинг пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ишончли ҳадисларини ўзида жам қилган “ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” номли асарига ҳам шарҳ ёзган. Шу билан бир қаторда Абу Бакр Калободийнинг номини жумлаи жаҳонга дoston қилган шоҳ асари шубҳасиз “ат-Таъарруф ли-мазҳаб аҳл ат-тасаввуф” (“Тасаввуф аҳлининг йўли билан танишиш”) номли асаридир. Номидан ҳам кўриниб турганидек, бу асар тасаввуфга бағишланган бўлиб, илмий адабиётларда қисқача “ат-Таъарруф” (“Танишиш”) номи билан машҳур. Бу асар тасаввуф илмига бағишлаб араб тилида ёзилган дастлабки муҳим китоблардан бири ҳисобланади. Исломиий тасаввуфнинг дастлабки уч асрлик тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланган бу асар азалдан нафақат тасаввуф тарихи, балки турли исломий илмлар билан шуғулланадиган кўплаб олиму уламолар ва тадқиқотчиларнинг диққат эътиборини тортиб келмоқда. Абу Бакр Калободийдан кейин яшаб фаолият кўрсатган кўплаб мутасаввуфлар бу асарга юксак баҳо берганлар.

“Ат-Таъарруф”нинг қимматли бир қўлёзма нусхаси Тошкентда, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида сақланади. 3154-V рақами остида сақланаётган ушбу қўлёзма колофонда битилган маълумотга кўра, у ҳижрий 415 (милодий 1025) йилда кўчирилган бўлиб, уни кўчирган хаттотнинг исми-шарифи кўрсатилмаган. Тасаввуф тарихига доир муҳим манба сифатидаги бу асар икки марта нашр ҳам этилган. Жумладан, асар биринчи марта бундан етмиш йил муқаддам – 1933 йилда инглиз олими Артур Жон Арберри томонидан, 1960 йилда эса Абдулҳаким Маҳмуд Тоҳо Абдулбоқий томонидан иккинчи бор Қоҳирада чоп этилди. Таркибий жиҳатдан асар юқорида зикр этилган Тошкент қўлёзмасига биноан муқаддима ва олтмиш уч бобдан иборат. Юқорида айтилганлардан аён бўлаётирки, Калободийнинг бу асари тасаввуф таълимоти тарихини кенг кўламда ёритадиган дастлабки ёзма манбалардан биридир. Бинобарин, мана шу тарздаги муҳим манбани ўзбек тилига таржима қилиниши таҳсинга сазовордир. Бу ғоятда муҳим ва хайрли ишни амалга оширган моҳир таржимон марҳум Отақул Мавлонқулов ва шарқшунос олима Мавлуда Отақул қизининг хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Ушбу асарнинг илмий асосда ҳар томонлама чуқур ўрганиш тасаввуф

тарихи ва унинг назарий-ижтимоий моҳиятини тўлиқ идрок этишимизда муҳим аҳамиятга эгадир.

Э.Х. Зоиров (Бухоро)

МАҲДУМИ АЪЗАМНИНГ “МИРЪОТ УС-САФО” РИСОЛАСИДА ҚАЛБ ТАЛҚИНИ

Миллий қадриятларга ҳурмат билан қараш – миллатнинг ўзига ҳурмат билан қарашнинг асосий шартидир. Минг йиллар мобайнида шаклланган миллий қадриятларимиз ҳозирги даврда яратилган маданий-маънавий бойликлар билан кўшилиб, та-раққиётимизни тезлатади, гоёвий ва маънавий покланишни таъминлашга кўмаклашади. Мустақиллик шарофати билан ўзбек халқи учун ўзлигини англаш, мозийни ҳаққоний ёритиш ва уни жамоатчиликка етказиш имкони туғилди. Хожাগон-нақшбандия тариқатининг пирларидан, нақшбандия тариқати таълимотини бир тизимга солган, силсила ва амалиёти, шунингдек, тасаввуф таълимотининг энг назарий муаммолари бўйича тадқиқотлар ёзган мутафаккир, нақшбандийликнинг ижтимоий-сиёсий таъсирини ортиши, кенгайиши ва тарқалишида фавқулодда саъй-ҳаракат, тадбиркорлик ва қатъий иродалилиқ кўрсатган улуг зот, орифий ишлар соҳиби Саййид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Косоний, ал-Фарғоний – Маҳдуми Аъзамдир (1463-1542).

Маҳдуми Аъзамнинг бизга қолдирган бой илмий мероси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида қуйидаги рақамлар остида сақланмоқда: 501, 1443, 2352, 2780, 3386, 4354, 6646, 9706, 10626, 11260¹². Унинг шу фондда сақланаётган асарларидан бири “Миръот ус-сафо” (“Софлик кўзгуси»)дир.

Ушбу рисола ни муаллиф қуйидаги сўзлар билан бошлайди: Аллоҳ Таоло ўзининг зоти ва барча етук сифатлари билан гўёки бир махфий хазина эди. У ўзининг борлиги, бирлиги ва буюк Тангри эканлигини оламга намоён қилмоқ мақсадида барча мавжудот ва одамзотни яратди. Ундан сўнг ҳар бир кишининг қалбига, унинг истеъдоди миқдорича ўзини зоҳир этди.

¹² Нақшбандия тариқатига оид қўлёзмалар фихристи. Тошкент, “Мовароуннаҳр», 1993.

Аллоҳ гўзалдир, у бўлганда, оламдан бирон номи нишон ҳам йўқ эди. У кўриниши истади ва бутун 18 минг махлуқот ва мавжудотларни яратди. Ўзининг шариф зотини исм ва сифатлари орқали 18 минг оламда зоҳир айлади. Демак, бутун борликдаги ҳар бир мавжудот илоҳий исм ва сифатларни зоҳир этади, унинг қуввати, қудратини намойиш қилади. Чунки, 18 минг оламдаги барча бор нарсалар Аллоҳ каломида мавжуддир.

Улуғ алома ушбу рисоласида Ибн Арабийнинг “Дунё азалий (илоҳий) мавжудотнинг ойнавий акси» мавзуидаги назариясига шарҳ берилган. Маҳдуми Аъзам мутлоқ ва азалий мавжудотни дарвеш юрагининг кўзгусида инъикос этиши мумкин, деб таъкидлайди.

Хулоса қилиб айтганимизда, Маҳдуми Аъзам ўз асҳобларини, мухлисларини Ҳақ йўлига даъват қилган. Улардан пок виждонликни, тўғри йўлдан озмасликни ва ҳар хил бадқирдорликлардан ўзларини сақлашларини талаб қилган. Бинобарин, олам қанча гўзал ва обод бўлиб, одамзод ўзида қанчалик яхши хусусиятларни намоеън қилса, Аллоҳнинг иродаси рўёбга чиқаверади ва бу ишларни Аллоҳ кўзгуда кўргандек кузатиб туради. Тасаввуфнинг асосий ғояси ҳам шу кўзгунинг софлигини сақлаган ҳолда уни хиралаштирадиган турли чирк ва ғуборлардан асрашдир.

С. Боймирзаева (Самарқанд)

ОЙБЕКНИНГ ХОЖА АБДУХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ ТАЪЛИМОТИГА МУНОСАБАТИ

Шарқ фалсафаси, ислом дини ва унинг тарихи, тасаввуф таълимотининг чуқур билимдони бўлган Ойбек ўрта асрларда Марказий Осиёда энг ривожланган нақшбандия тариқатининг ғоявий йўналишини тушунтириб беришга ҳаракат қилади. Олим бу хусусда буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ижодига бағишланган “Навоийнинг дунёкараши масаласига доир” номли мақоласида фикр юритади. Олим Навоийнинг ҳар бир дostonи асосида оламшумул идеаллар ётиши, бу идеаллар устида ҳамма замонларнинг порлоқ заколари ишланганлиги, улар учун курашганлигини таъкидлайди.

Навоийнинг диний-исломий, фалсафий қарашлари ҳақида сўз юритар экан, олим шундай ёзади: “Маълум бир туркум масалалар борки, шоир ўз ғазалларида ва дostonларида у масалаларга доимо қайтиб келади, улар устида фикр юритади. Бу масалаларнинг моҳияти нимадан иборат? Бу масалалар худонинг ва дунё-

нинг моҳияти, энг сўнги ҳақиқат масаласи, одам ақлининг таниш қобилияти, дин ва этика масалаларидир”¹³.

Ойбек Хожа Абдухолиқ Ғиждувонийнинг “Дил ба ёру даст ба қор” концепциясини Навоий ижоди мисолида шундай тушунтиради: “Навоий руҳ билан моддани, тан билан жонни келиштиришга интилади. Навоийча, тансиз жоннинг ёки жонсиз таннинг мавжуд бўлиши мумкин эмас”. Ойбек руҳ “ёр” сари, яъни қомиллик, гўзаллик, идеал сари интилган пайтда тан ҳалол меҳнат билан покланиб, унга ёрдам бермоғи лозим, деган фикрни илгари суради. “Рух” деганда олим қалб ва ақлни, “тан” деганда эса меҳнат қилувчи қўлларни назарда тутлади.

Шу тариқа худосизлик, атеистик тарғибот авж олган даврда Ойбек тасаввуф, хусусан, нақшбандия таълимотига доир тушунча ва қизиқишларини Алишер Навоий ижоди имкониятларидан фойдаланиб баён эта олди. Бинобарин, ўша давр ҳукмрон мафқураси куч-қудратини назарда тутганда, олимнинг тасаввуф соҳасида фикр юритиш учун бошқа имконияти йўқ эди.

С. Рафиддинов (Тошкент)

ШАЙХ АҲМАД БУХОРИЙ ВА УНИНГ “МАСЛАК УЛ-ОРИФИН” АСАРИ

Хожа Абдухолиқ Ғиждувонийнинг шариат ва тариқатта оид фикрлари, инсон ва унинг қамолотига доир нозик, ҳикматли сўзлари вафотидан кейин ўнлаб мутасаввуфлар томонидан жамланди ва шарҳланди. Нақшбандия ва унинг вакиллари ҳақида сўз юритилган аксар манбаларда деярли Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний тилга олинади. Шундай манбалардан бири форс тилида ёзилган, лекин диёримизда ҳали тадқиқ қилинмаган, таржима ва нашр бўлмаган Шайх Аҳмад Бухорийнинг “Маслак ул-орифин” (“Орифлар маслағи”) китобидир. Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида асарнинг ўнлаб қўлёзмалари мавжуд¹⁴. Бу манба ҳақида немиш шарқшунос олими Юрген Паул мухтасар маълумот бериб ўтган¹⁵.

¹³ Ойбек. Асарлар. X томлик. IX-т. – Тошкент, 1974. – 122-бет.

¹⁴ Қўлёзма рақамлари: 11683-II, 11661-I, P 10144, P 11284-I, 10918, P 5435, P 4810-3, P 515, P 1676-I, P 3791, P 4810-III, P 1546-I, P 5392 -II, P 11284-I, P 10918.

¹⁵ Юрген Паул. Маслак ал-орифин: один документ к ранней истории хваждаган-нақшбандийа. Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования). Санкт-Петербург. 2001, С. 200-210.

“Маслак ул-орифин” хожагон-нақшбандия тариқати ҳақидаги қадимий илк манбалардан ҳисобланади. У Баҳоуддин Нақшбанд вафотидан сал олдин, тахминан XIV асрнинг биринчи ярмида ёзилган¹⁶. Дарҳақиқат, 10144 рақамли кўлёмани кўздан кечирганимизда, у Мулло Қурбон Самарқандий томонидан 859 ҳижрий (1353 милодий) йилда кўчирилганлиги маълум бўлди. Асарнинг хожагон-нақшбандия тарихи ҳақидаги қадимий манба эканлигини америкалик тасаввуфшунос олим Девин Диуис ҳам мақоласида таъкидлаб ўтган¹⁷.

Асар муаллифи Шайх Муҳаммад бин Аҳмад Бухорий ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмасмиз. Муқаддимада, ўзининг таъкидлашича, ёшлигида хожагон тариқатига қизиққан, аввало отасининг тарбиясини олган, кейинроқ у хожагон тариқатининг машҳур шайхи Хожа Сулаймоннинг халифаси – «Саъд ул-миллати вад-дин» унвонли шайхга кўл бериб, ўзи ҳам шайхлик даражасига кўтарилган. Асар муқаддима ва 23 бобдан иборат бўлиб, ҳар бир бобда тасаввуфнинг бирор масаласи ёритилади. Масалан, I боб «Тавба ва унинг шартлари», X боб «Нафс сифатларининг баёни», XIX боб «Ихлос ва риё баёни» ва ҳоказо. Муаллиф ҳар бир бобга доир Абдуҳолик Ғиждувонийнинг фикрлари, унга берилган саволларга жавобларни келтириб, ўзининг нуктаи назарини ҳам ифодалайди.

Асар насрда ёзилган, айрим ўринларда шеърӣ байтлар келтирилади. Унинг мутолаасидан куйидаги худосага келишимиз мумкин: 1. Хожагон тариқати суннат – шариатга мувофиқ бўлиб, солиқ одоблари Қуръон ва ҳадисга асосланади. 2. Илоҳий ишқ ва муҳаббат мавзуси Қуръон ҳақиқатлари ва Шарқ тасаввуф тажрибалари асосида ёритилади. 3. Боблар ичида «Масъала» сарлавҳаси остида ўша бобга тегишли бирор нозик савол ўртага ташланади ва Ғиждувонийнинг жавоби келтирилади. 4. Муаллифнинг фикр-қарашлари баён услуби ва шеърӣ маҳорати ҳам алоҳида тадқиқотни талаб қилади.

Ғиждувоний тасаввуфнинг ҳар бир масаласига устозларидан олган билими, тажрибаси ва амалий фаолиятидан келиб чиқиб ёндошади. Масалан, нафси аммора ҳақида гапирар экан, пайғамбар алайҳиссаломнинг: «Биз кичик жиҳоддан қайтдик, энди катта

¹⁶ Юрген Паул. Маслак ал-орифин: один документ к ранней истории хваждаган-нақшбандийа. Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования). Санкт-Петербург. 2001, 202-бет.

¹⁷ Мазкур мақола. 224-бет.

жиходга – нафс билан курашишга тайёрланайлик», деган ҳадисини далил қилиб шундай дейди: «Жанг учун қурол-яроқ керак, қуролсиз уруш қилиб бўлмайди. Нафс билан уч хил қурол орқали кураш олиб борилади. Булар: очлик қиличи, сукут (хомушлик) пичоғи ва танҳолик найзаси. Толиб учун нафсга голиб келишдан улуғ неъмат йўқ. Бу саодат ҳеч кимга насиб қилмаган, фақат бу сулуқ эранларига насиб қилди. Улар шу йўл орқали парварिश топдилар» деб хожагон тариқатидаги кишиларни мақтайди.

Ғиждувоний «Қалб муҳаббати – ибодатдир» дейди ва уни учга бўлади: банданинг Аллоҳни дўст тутиши, Аллоҳнинг бандани дўст тутиши ва Аллоҳ дўстлари – валийларни дўст тутиш.

Умуман, бу китобдаги ҳар бир мавзунинг шарҳланиши ва бирор масалага Ғиждувонийнинг муносабати ўзига хос, асосли ҳикматли сўзлар билан ифодаланган. Муаллифнинг шеърӣ парчалари ва хулосалари асарнинг илмӣ қимматини оширган. Ғиждувонийнинг ўз асарларидаги фикрлари билан «Маслак ул-орифин»даги қарашлари ўртасида ҳамоҳанг ва муштарақлик яққол кўзга ташланади. Уларни муқояса қилиб ўрганиш ва хулосалаш Ғиждувонийнинг адабий муҳити, ирфонӣ қарашлари ва тафаккур тарзига баҳо беришда олимларимизга яқиндан ёрдам беради.

Э. Очиров (Тошкент)

АБДУХОЛИК ҒИЖДУВОНИЙ РУБОУЙЛАРИ

Тасаввуф бошиданоқ шеърӣят билан бақамти ривожланди. Шеър ва мусиканинг инсон руҳиятига кучли таъсирини пайқаган сўфийлар самоъ (арабча: эшитиш) мажлисларини уюштириб, кўшиқ ва рақс базмини ташкил этганлар. Самоъ мажлисининг, айни пайтда, тасаввуф адабиётининг ҳам асосчиларидан деб ҳисобланган машҳур шайх Абусаид Абулхайр (967-1049) бундай сўфиёна йиғинларни қизитиш учун дастлаб ишқу муҳаббат мавзуидаги халқ тўртликларидан фойдаланган бўлса, кейинчалик ўзи ҳам рубоийлар ижод қилиб, уларда сўфийлик таълимоти асосларини баён этган. Унга эргашган Абулҳасан Ҳарақони, Абдуллоҳ Ансорӣ, Аҳмад Ғаззолий, Аҳмад Яссавий, Абдухолик Ғиждувоний, Сулаймон Боқирғоний, Абулмажид Санойӣ, Нажмиддин Кубро, Сайфиддин Бохарзӣ, Маждиддин Бағдодий, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румӣ, Паҳлавон Маҳмуд, Абулафо Хоразмӣ, Баҳоуддин Нақшбанд каби кўплаб тариқат пирлари ва шайхлари

бу анъанани ривожлантириб, янада мустаҳкамлаганлар. Улар шеърининг бошқа жанрларида ҳам қалам тебратган (масалан, газал, қитъа, ҳикмат, маснавийлар ёзганлар) бўлишларига қарамай, ижодларининг асосий қисмини рубоий ташкил этади. Бу жанрнинг ихчам ва сиқиклиги, оммавий ва таъсирчанлиги, имкониятларининг кенглиги сўфиёна ғоя ва қарашларни тарғиб этиш учун қўл келган. Шайх-шоирлар уни ўз таълимотларининг асосларини тушунтириш ва кенг халқ орасига ёйиш учун восита қилиб олиш билан рубоийни сўз санъатининг доврўддор жанрларидан бирига айлантirdилар. Чунки тасаввуф пайдо бўлгунга қадар рубоий асосан халқ оғзаки ижодининг етакчи жанрларидан бир бўлиб, унда фалсафийликнинг чуқурлашуви тасаввуфий ғояларнинг иш-ланиши билан боғлиқ.

Абдухолик Ғиждувоний ҳам тасаввуфий рисолаларидан ташқари, гўзал сўфиёна рубоийлар ижодкори сифатида маълум ва машҳур. Лекин авлиё шоирнинг баъдий ижод намуналари бизгача деярли етиб келмаган. 1953 йили Техронда чоп этилган «Рубоийнома» тўпламидан унинг 8 та рубоийси ўрин олган. Буюк ватандошимизнинг 1993 йили Тошкентда босилиб чиққан «Васиятнома» асари муқаддимасида эса 4 та рубоийси берилган. Бу рубоийлар М. Ҳасаний ва Г. Музаффар қизининг «Хожаи жаҳон – Хожа Абдухолик Ғиждувоний» (Тошкент, 1994) ҳамда С.С. Бухорийнинг «Дилда ёр» (Тошкент, 1993) китобларида ҳам мавжуд. Мазкур рубоийлардан самоъга бағишланган иккитаси тасаввуфга оид бошқа адабиётларда ҳам учрайди. Яқинда нашр қилинган М. Ҳасаний ва К. Қиличевлар қаламига мансуб «Ғиждувоний илм аҳллари хотирасида» рисоласида ҳам унинг 5 та рубоийси насрий таржимаси билан келтирилган. Улардан 2 тасини биз бошқа манбаларда учратмаган эдик. М. Ҳасаний ва М. Раззоқоваларнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномасида босилган «Улуғ донишманд» мақоласида (2003 йил 3 октябрь) унинг Бухоро тўғрисидаги бир рубоийсига дуч келдик. Шундай қилиб, излашлар натижасида Хожа Абдухолик Ғиждувонийга нисбат берилган 15 та рубоийни аниқлашга муваффақ бўлдик. Бу рубоийларни ўз арузий вазнида таржима қилиб, 12 тасини «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномасида (2003 йил 23 май) эълон қилдик. Улар мусулмон Шаркида машҳур тариқат шайхининг шеърий салоҳияти ҳам юксаклиги, манаман деган сўз санъаткорлари муқобилига қўядиган рубоийлар яратганлигини кўрсатади.

Чунончи:

Гар дар дилат аз касе шикоят бошаб,
Дарди дили ту аз ў бағоят бошад,
Зинҳор ба интиқом машғул машав,
Бадро бади хеш кифоят бошад.

Мазмуни:

Гар бир кишидан дилда шикоят бўлгай,
Дил оғриғи ундан бениҳоят бўлгай.
Ҳеч ўйлама интиқом олишни, чунки
Ёмонга ёмонлиги кифоят бўлгай.

Бу рубоий ҳам панд-насихат, ҳам фалсафий, ҳам диний, ҳам тасаввуфий, ҳуллас, бир неча маъно талқинига эга. Биринчидан, бирор киши сенинг кўнглингни оғритса, бундан беҳад изтироб чексанг-да, сира ундан ўч олишни ўйлама, зеро, ёмонга ёмонлигининг ўзи етарли жазодир, деб насихат қилинмоқда. Иккинчидан, ёмоннинг ёмон бўлиб яратилганлигининг ўзи унга бир умрлик жазодир. Ҳарчанд уринма, сен унга бундан ортиқ жазо беролмайсан, деб фалсафий ҳулоса чиқарилган. Учунчидан, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Худодан. Ёмон ёмонлигига бориб, ўз ҳақдини билмай сени ранжитибдими, сен яхши бўлсанг, яхшилигингча қол-да, унга тенг бўлма – ёмонликка ёмонлик қайтаришни ўйлама. Бу икки жиҳатдан ўзини оқлайди: аввало, сен ёмонга тенг бўласан, қолаверса, илоҳий амрларга қарши борасан. Тўртинчидан, мўмин кишида кек-адоват бўлмаслиги керак, ўч олиш – шайтоннинг иши. Бинобарин, бировдан ўч олишга чоғланган одам бир лаҳза бўлса-да, шайтон васвасасига учган бўлади. Шайтон васвасасига учиб эса иймоннинг суғлигидан дарак беради. Бешинчидан, тасаввуфда бировга жабру жафо қилиш, бирор кимсани ранжитиш таомили йўқ. Сўфий ҳар қанча қайғу-азоб бўлса, ўзи чекиши, барча таъна-маломатларга сабр этиши, қаҳру ғазабини ичига ютиб, одамларга очиқ чеҳра билан боқиши, мулойим муомала қилиши, яхши муносабатда бўлиши лозим. Бировдан ўч олиш у ёқда турсин, ундан шикоят қилиш ҳам тариқат аҳлига ёт. Олтинчидан, халқ орасида яхшиликка яхшилик – ҳамманинг иши, ёмонликка яхшилик – мард кишининг иши деган улуғ бир ҳикмат асрлар давомида яшаб келади. Демак, ёмонликка ёмонлик билан жавоб берган кишининг оддий одамлардан фарқи йўқ, у олиҳимматлиликни даъво қилмаса ҳам, ўзимни баркамол инсон деб ҳисобламаса ҳам бўлади. Ва, ниҳоят, еттинчидан, рубоийнинг асл мазмун-моҳияти шундаки, ёмонликка

ёмонлик қайтаришни ўйлаган киши том маънодаги яхши одам эмас, унинг табиатида қайсидир даражада ёмонлик уруғлари мавжуд ва бировнинг баҳонасида у юзага қалқиб чиқаяпти.

Кўриниб турибдики, биргина рубойи бир неча талқинларга асос бераёпти. Бу унинг бадий юксаклиги, мазмунининг чуқур ва серқирралигидан. Айти пайтда, рубойи жуда содда ва раво бир услубда ёзилган. Унинг мазмунини тушунишда сира қийналмай-сиз. Буюк сўз усталари теран фикрни ҳамипа ана шундай содда усулда ифодалядилар. Бу – донишмандликнинг олий кўриниши.

Маълум бўладики, Хожа Абдухолик Фиждувоний қаламига мансуб рубойиларни тасаввуф шайхининг ўз гоьлари талқинига бағишланган сўфиёна рубойилари сифатидагига эмас, балки сўз санъатининг бадий баркамол намуналари тарзида ҳам ўрганиш мумкин. Чунки бу рубойиларда тасаввуф таълимотининг назарий қоидалари ифодаси билан бир қаторда, ишқу инсонийлик тараннумини ҳам кўраимиз. Бинобарин, шайх-шоирнинг адабий мероси тўла топилса, у ўзбек мумтоз адабиёти хазинасига муносиб хисса бўлиб кўшилиши шубҳасиз.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
<i>М.М. Хайруллаев (Тошкент)</i> IX-XII АСРЛАРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА МАДАНИЙ ЮКСАЛИШ: ДУНЁВИЙ ВА ДИНИЙ ИЛМЛАР.....	4
<i>О. Усмонов (Тошкент)</i> АБДУХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ ВА ХОЖАГОН ТАРИҚАТИ	5
<i>Иброҳим Хаққул (Тошкент)</i> ТАРИҚАТ ВА МАЪРИФАТ ДАРҒАСИ	7
<i>Х. Алиқулов (Тошкент)</i> АБДУХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙНИНГ ТАСАВВУФИЙ ТАЪЛИМО- ТИДА ИНСОНПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИ	9
<i>Г. Наврӯзова (Бухоро)</i> ХОЖАГОН ТАРИҚАТИДА КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ.....	11
<i>Н. Сафарова (Навоий)</i> ХОЖАГОН АХЛОҚИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ ФАЛСАФИЙ- ИРФОНИЙ АСОСЛАРИ	13
<i>Х. Исломий (Тошкент)</i> АБДУХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ ТАРИҚАТИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁГА ЁЙИЛИШИ	14
<i>О. Буриев (Тошкент)</i> ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДАГИ ТАСАВВУҒГА ОИД МАНБАЛАРДА АБДУХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ ТАЪЛИМОТИ	15
<i>А. Ўринбоев (Тошкент)</i> АБДУХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ ТАСАВВУФИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ ВА АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ РУҚБАЛАРИДА АКС ЭТИШИ	17
<i>М. Хасаний (Тошкент)</i> ҒИЖДУВОНИЙ ҲАКИДА ЁЗИЛГАН “МАНОҚИБ” ВА “МАҚОМОТ” ҲАМДА УНИНГ ЯҒОНА НУСХАЛАРИ ҲАКИДА	20
<i>М. Салоҳиддинова (Самарқанд)</i> АМИР ШОҲИЙ ТУРКИЙ ДЕВОНИДА АБДУХОЛИҚ ҒИЖДУВО- НИЙ ТАЪЛИМОТИ ИФОДАСИ	21
<i>М. Раззоқова (Тошкент)</i> ТОҲИР ЭШОН АБДУХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ ҲАКИДА	23
<i>Б. Муҳиддинова (Самарқанд)</i> САЙИДАҲМАД ВАСЛИЙ АБДУХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ ҲАКИДА ..	24
<i>Н. Баратова (Самарқанд)</i> ХОЖА АБДУХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ ВА СЎФИ ОЛЛОЁР ВАСИЯТНОМАЛАРИНИНГ ҒОЯВИЙ УЙҒУНЛИГИ	25

<i>Нодирхон Ҳасан (Тошкент)</i>	
ХОЖА АБДУХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ ВА ҲАЗИНИЙ.....	26
<i>Н. Хидирова (Тошкент)</i>	
ХОЖА АБДУХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙНИНГ «ВАСИЯТНОМА»- СИГА ЁЗИЛГАН МУҚАДДИМА.....	28
<i>Р. Орзибеков (Самарқанд)</i>	
НАҚШБАНДИЯ СИЛСИЛАСИНИНГ ФАРҶОНАДАГИ ҲАЛҚАЛАРИ	30
<i>М. Болтаев (Бухоро)</i>	
ТАСАВВУФ ВА АБДУХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙНИНГ УМУМБА- ШАРИЙ МАЎНАВИЙ-АҲЛОҚИЙ ТАЪЛИМОТИ	32
<i>М. Абдуллаева (Самарқанд)</i>	
БОБУР БАДИИЙ ТАФАККУРИДА НАҚШБАНДИЯ ҒОЯЛАРИ	33
<i>Г.У. Алеуова (Нукус)</i>	
ТАСАВВУФ ВА СУЛАЙМОН БОҚИРҒОНИЙНИНГ ҲУКУҚИЙ КАРАШЛАРИ.....	35
<i>У. Уватов (Тошкент)</i>	
ТАСАВВУФ ТАРИХИГА ДОИР МУҲИМ МАНБА.....	36
<i>Э.Х. Зоиров (Бухоро)</i>	
МАҲДУМИ АЪЗАМНИНГ “МИРЪОТ УС-САҒО” РИСОЛАСИДА КАЛБ ТАЛҚИНИ	38
<i>С. Боймирзаева (Самарқанд)</i>	
ОЙБЕКНИНГ ХОЖА АБДУХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ ТАЪЛИМО- ТИГА МУНОСАБАТИ	39
<i>С. Рафиддинов (Тошкент)</i>	
ШАЙХ АҲМАД БУХОРИЙ ВА УНИНГ “МАСЛАК УЛ-ОРИФИН” АСАРИ.....	40
<i>Э. Очилов (Тошкент)</i>	
АБДУХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ РУБОИЙЛАРИ	42

Теришга берилди 6.10.2003. Босишга рухсат этилди 15.10.2003.

Қоғоз бичими $84 \times 108 \frac{1}{16}$. Шартли босма т. 3,0.

Ҳисоб-нашриёт т. 2,0. 150 нусхада.

ЎзР ФА ишлар бошқармасининг кичик босмаҳонаси:
700047, Тошкент, акад. Я. Фуломов кўчаси, 70.